

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHOHSEN SEN

Хабар

26

(1084)
28-iyun

2013

www.xabar.uz
info@xabar.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

Иқтисодий барқарорлик

ОАВ тараққиётини таъминлайди



Мамлакатимизда ахборот соҳасининг динамик ва эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб берилган сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот ҳуқуқлари принципларини рўёбга чиқаришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган. Республикаимизда жамоат ва нодавлат институтлари ҳамда бошқа структураларнинг ахборот соҳасида эркин фаолият юритишларини таъминлашга хизмат қилувчи зарурий ташкилий-ҳуқуқий ва техник шароитлар яратилганлиги билан бир қаторда, мустақил ва эркин ОАВ ривожини қўллаб-қувватлашни, ахборот эркинлигини, жамиятда фикрлар хилма-хиллигини, ахборот бозорида рақобат муҳити шаклланишини, ОАВ учун имтиёзлар ва афзалликлар жорий этилишини таъминлашга йўналтирилган қонунчилик базаси доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

5-бет

Алоқа оламида

Жанубий Кореяда жаҳондаги биринчи LTE-Advanced тармоғи ишга туширилди. Янги тармоқнинг маълумотлар узатиш тезлиги 150 Мб/сония бўлиб, амалдаги LTE тармоғидан деярли икки маротаба тезроқдир. Бу тармоқда ишловчи дастлабки қурилма Samsung Galaxy S IV бўлади.



LTE2E의 속도 세계 최고 LTE-A 지원
Samsung GALAXY S4 출시

Ушбу сонда:

■ Эътибор	2
■ Тоқатлига тоғлар эгар бошини	3
■ Парламент ва журналист	5
■ Либерализация разрешительных процедур	6
■ Намуна	12
■ ТАТУ талабаси Осие чемпиони	15

Сўнги янгилик!

Теледастурлар, спорт, сканворд

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 19 июн куни Жиззах ва Сирдарё вилоятларида бўлди. Юртбошимизнинг мазкур вилоятларга сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўлми ислохотлар юксак самаралар бераётганини ва Ватанамиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини яққол кўрсатди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида "ти" Ўзбекистон Республикаси қонунининг 31-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил биринчи чорагидаги ижросига доир ҳисоботи кўриб чиқилди. Хар томонлама ва пухта муҳокамалардан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси тадбиркорлари иштирокида бизнес-форум ҳамда кооперация биржаси бўлиб ўтди. Тадбирларда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг қурилиш, машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик sanoati, сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаоллият кўрсатаётган тадбиркорлари савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказиш имконига эга бўлди.

Наманган шаҳридаги Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Обод юртга муносиб фарзанд бўлайлик" мавзуда ижодий учрашув ўтказилди. Мустақилликнинг 22 йиллиги олдидан "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир истиклолни улуглаш, ёшлар онги ва қалбига эзгу ғояларни сингдиришга йўналтирилганлиги билан кўпчиликлда ёрқин таассурот қолдирди.

Куала-Лумпурда Индонезия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Хиндистон ҳамда бошқа мамлакатларнинг икки юздан ортиқ компаниялари иштирокида ил бошлаган Малайзия кичик ва ўрта бизнес инновациялари кўргазмаси (SMIDEX-2013) доирасида инновация маҳсулотларини биргаликлда ишлаб чиқариш учун ўзаро шериклик муносабатларини ўрнатилга йўналтирилган форум бўлиб ўтди. "SME Corp" кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш корпорацияси мазкур форумнинг ташкилотчиси ҳисобланади. Форум доирасида Ўзбекистон Республикасининг Куала-Лумпурдан элчихонаси томонидан юртимиз савдо-иқтисодий салоҳиятининг тақдироти уюштирилди.

Матбуот, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг бошқа барча турлари жамиятимиз ҳаётининг ажралмас бўлагига айланган. Шунинг учун ҳам республикамиз ҳукумати томонидан ушбу соҳани ривожлантиришга катта аҳамият берилмаётган. Ана шу эътибор сабаб кейинги йиллар ичида газеталар таҳририятлари иқтисодий томондан анча мустақамланди, таҳририятлар замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб байрамини катта тантана билан нишонлаш эса соҳага тааллуқли барча ташкилотларда анъанага айланди.

Эътибор

Республикамиз журналистларининг меҳнатлари маҳсули — матбуот нашрларини аҳолига етказишда жонбозлик кўрсатаётган ташкилот — "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясида бир неча йилдан бери ўтказилиб келинаётган "Энг мохир матбуот тарқатувчи" кўрик-танлови ҳам байрамга бағишланган ана шундай тадбирлардан биридир.

Яқинда компания бош офисида мазкур кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Ғолиблар ва тантангага йиғилган пойтахтимиздаги "Матбуот" дўконлари сотувчиларини Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Хуршид Мирзахидов табриклади.

— Журналистлар маҳсулотни тайёрловчилар бўлса, матбуот тарқатувчилар бу маҳсулотни аҳолига ўз вақтида етказиш учун масъул инсонлардир, — деди ўзтабригиди Х.Мирзахидов.

— Бу ишни амалга оширишда, айниқас, сиз — "Матбуот" дўконлари сотувчилари зиммасига катта масъулият юклатилган. Негаки, сиз бевоСИта халқ билан муомала қиласиз. Шунинг учун ҳам сизлардан ўта хушёрлик, юксак даражадаги билим ва муомала маданияти талаб этилади. Ишонаманки, хар бирингиз зиммангиздаги вазифа масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қиласиз. Бу кўрик-танловда иштирок этаётганлар ва ғолиблар сафи йил сайин ортиб бораётганлигида яққолроқ намоён бўлмоқда. Мен барча-барчангизни яқинлашиб келаётган касб байрамингиз билан самимий муборакбод этаман. Хар бирингизга мустақам соғлук, элга маърифат тарқатишдек эзгу ишларингизда ривож тилайман.

27 ИЮН — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



Шундан сўнг ғолибларни тақдирлаш ҳақидаги компания бош директорининг буйруғи ўқиб эшиттирилди. Унга кўра, "Фаол обуна уюштирувчи", "Болалар нашрларини сотиш",

"Ижтимоий-сиёсий нашрларини сотиш" номинациялари ғолиблари кимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Шунингдек, Обод турмуш йили муносабати билан матбуот тарқатиш соҳасида кўп йиллардан бери халол ва самарали оилавий меҳнат қилиб келаётган Мирсодиқовлар оиласи (Зоҳид Мирсодиқов хайдовчи, Мавжуда ҳамда Шаҳноза Мирсодиқовалар "Матбуот" дўкони сотувчилари), Аҳмедовлар оиласи (Хурмат ҳамда Акмал Аҳмедовлар дўкон сотувчилари), Қудратовлар оиласи (Дилфуза, Шаҳноза ҳамда Бахтиёр Қудратовлар дўкон сотувчилари) ҳам алоҳида совғалар билан тақдирланди.

Кўрик-танловдаги фаол иштироки учун саккиз нафар "Матбуот" дўкони сотувчисига ҳам совға улашилди.

Навбат бевосита кўрик-танлов ғолибларига келди. 179-дўкон сотувчиси Шаҳноза Қудратова ҳамда 279-дўкон сотувчиси Наталя Николаевалар учинчи ўринни эгаллаб, 3-даражали диплом ва электр иситкич билан, 433-дўкон сотувчиси Бозорбой Норбоев ҳамда 330-дўкон сотувчиси Хожиназар Ғофурназаровлар иккинчи ўринни эгаллаб, 2-даражали диплом ҳамда чангпоти гич билан мукофотланди.

Биринчи ўрин эса 345-дўкон сотувчиси Аббос Илҳомов ва 261-дўкон сотувчиси Жамила Мухсиноваларга насиб этди. Уларга 1-даражали диплом ва телевизор совға тарикасида берилди. Совғаларни компания бош директори Сувоп Нажбидинов топширди.

— Кўриб турганингиздек, байрамолди тадбиримиз ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди, — деди компания касабга уюшмаси қўмитаси раиси Мавжуда Адилова. — Унда иштирок этганларнинг бирортаси эътиборсиз қолмади. Шунинг учун ҳам мазкур кўрик-танловда иштирок этишни истовчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётган. Хар йилгидек, бу йил ҳам кўрик-танлов уч босқичда амалга оширилди. Ана шу босқичлар жараёнида пойтахтимиздаги мавжуд 170та "Матбуот" дўкони сотувчиларининг фаолияти, яъни ҳужжат юритишда чалқашликларга йўл қўймаслик, дўконининг санитария ҳолати, пештахталарнинг безатиллиши қабилир эътиборга олинди. Демокчиманки, кўрик-танловга тайёргарлик жараёнида сотувчиларимиз зиммаларига юклатилган вазифа масъулиятини янада тўлиқроқ ҳис қилган ҳолда ўз устларида ишламоқдалар, билим ва тафаккурларини ҳам бойитиб бормоқдалар. Кўрик-танлов ана шу томонлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Кўрик-танловда
жами 170 нафар
"Матбуот" дўкони
сотувчилари фаолияти
ўрганилди.

Республикамиз мустақиллигининг 22 йиллиги ҳамда матбуот ходимларининг касб байрамига бағишланган "Энг мохир матбуот тарқатувчи" кўрик-танлови Қорақалпоғистон Республикаси "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонасида ҳам ўтказилди. "Матбуот" дўконларида ишлаётган сотувчилар ва дўконларни ижарага олиб фаолият юритаётган яққа тартибдаги тадбиркорларнинг ўз фаолиятларига бўлган қизиқишларини кучайтириш, матбуот нашрлари савдоси самарадорлигини ошириш мақсадида ўтказилган ушбу кўрик-танловда Беруний туман бўлимидан Гулистан Худайбергенова биринчи, Қўнғирот туман бўлимидан Гулнара Қуандикова иккинчи ва Нукус шаҳар бўлимидан Ақзер Булгаевалар учинчи ўринни эгаллаб, кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Кўрик-танловнинг хар уч босқичида иштирок этган барча иштирокчилар "Кўрик-танловнинг энг фаол иштирокчиси" деб топилиб, уларга ҳам кимматбаҳо совғалар берилди.

Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали Кўкон почта алоқаси тармоғи жамоаси фаолиятида ютуқлар тобора кўпайтирилмоқда. Бойси, жамоа замон талабларидан келиб чиқиб, ишга ҳар томонлама ижодий ёндашмоқда. Почта алоқаси тармоғи биносининг замонавий усулда қайта қурилгани, 12та алоқа бўлими бинолари ҳам тармоқ балансига ўтказилганлиги, фаолият ахборот технологиялари асосида олиб борилаётганлиги ва ҳар бир жабҳага янгилик билан қаралаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Шу йилнинг беш ойлик тариф режаси 524 млн. сўмга, яъни 100 фоиздан ошди. Аҳолига хизмат кўрсатиш режаси 164 млн. 333 минг сўмга адо этилди, яъни режа 130, 3 фоизга бажарилди. Жамоа обуна режаларини ҳар йилгидан ҳам аъло-роққа уддалади. Бир ойда 103643 нафар фахрийга пенсия пуллари тарқатилмоқда. Аҳолидан 34063 дона хат-хабар қабул қилиниб, 51223 дона етказилмоқда. Бундан ташқари, бир ойда обуначиларга 36911 дона газета-журналлар етказиб берилляпти. Коммунал тўловлар йиғишда ҳам жамоа олдинги ўринларда. Ҳар ойлик режа 180 млн. сўмини (бу режага нисбатан 6, 5 фоизга кўндир) ташкил этмоқда. Курерлик, техника таъмири, суғурта согуви, пайнет хизматлари ҳам кўрсатилмоқда. Бу муваффақиятларда Эркинжон Фармонов, Жамолдин Мадияев, Юсуфали Усмонов, Шоҳидахон Қосимова, Илхомжон Камбаров, Усмонов Этамбердиев, Жаҳонгир Мадрахимов, Иззатхон Мамасодиқова, Раънохон Мелиқўзаева, Одинахон Алимова сингари ходимларнинг хиссаси салмоқли бўляпти.

Шуни ҳам мамнуният билан таъкидлаш жоизки, жамоада ходимларнинг муомала маданияти ва маънавияти масаласи бир кун бўлсин кун тартибидан тушмайди. Почта ходими жамиятнинг энг зиёли қатламидан ўрин олиши зарур — ўз устида тинмай ишлаши, ўқиши, ўрганиши, Ўзбекистон почтаси шаънини пок сақлаши шарт. Этанг, тинч ва оқсоқилга ҳаёт учун курашиш, фидойиллик кўрсатиб, доимо оғоҳ, сезgir ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллиятлар ва фуқароларга ҳамжихатлик муҳитини кўз қорачиқдек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида соҳа ходимлари ҳам ибрат кўрсатишлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма йиллик байрамга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ҳар бир қорхона ва ташкилотлар жамоалари зиммасига шундай вазифалар қўйди.

Ҳўш, мустақиллигимизнинг 22 йиллик шодлиғини арафасида Ҳўқанди азим почтачиларининг кайфиятлари қандай?

Муҳсинжон МИРТОЖИЕВ, Кўкон почта алоқаси тармоғи бошлиғи:

— Кўкон... Кўрамликда жаҳоннинг манамен деган шаҳарларидан қолишмайди. Эски пасткам уйлар ўрнида қад ростлаган мухташам иморатлар, санъат ва спорт қосоналарини кўриб кўз қувонади, дил яйрайди. Илонизи кўчаларда эмас, кенг, ёрув ва равон йўлларда юриб, сайр этиб, кўнглингиз осмонларни ёришиб ёришиб кетади. Гуллаб-яшнаётган дилрабо хиёбонларда ўзингизни қундай энгил сезасиз. Ўрда мажмуаси ёнидан ўтар экансиз, қалбингиз гурув ва ифтихор туйғуларига тўлади. Бу ўзгаришлар, бу ободлик, фаровонлик мустақиллик шарофати эканлигини, айниқса, биз эллиқни уриб кўйганлар теран англашимиз табиий. Негаки, тилимиз камситилган, урф-одатларимиз топталган давр оғрикларини тортган одамлармиз.

Мен почта соҳасига келган кунларимнинг мароқли бир эҳқати бор. У ҳам бўлса, юртимизда демократия экинлари эса бошлаган 1989-1990 йиллар эди. Ўттиш даври

Тоқатлига тоғлар эгар бошини



эмасми, айримлар почтадаги вақтинчалик қўйинчиликларга дош беролмай, бошқа иш излаётган чоғларда мен почтанинг эртасига ишондим. Тоқат қилдим. Тоқатлига тоғлар эгар бошини, дея соҳамизнинг ривожланиб кетишига кичкина бўлса ҳам улдушимни кўпишга, ҳар қанча машаққат бўлса, энгил ўтишга аҳд қилдим. Ахир иш одами эмас, одам ишини энгилши аниқ-ку! Кўп ўтмади — почта соҳаси ишлари аста-аста изга тушиб кетди!

Ўшанда почтага — меҳнатга ихлос қўйиб адашмаганимни ҳаётинг ўзи кўрсатиб турибди. Халқимизнинг почтага ишончи ортса орткики, қамаймади. Ҳозир ҳам бор қуч-ғайратимни соҳа ривожига баҳоли қудрат хисса қўпишга интилиб, оз бўлса-да ютуқларга эришиб келаётганим билан ҳақли равишда фахрланаман.

Ватан туйғуси нима, деган саволингизга келсак, мен Ватаним, халқим, оилам, илхонам олдидаги бурч ва вазифаларимни беҳато бажариб юришни тушунаман ва бунга эришаётганимдан бахтиёрман.

Шоҳидахон ҚОСИМОВА, хабарчи:

— Аяжоним Розахон Саидова узок йиллар почтада ишлаб, фахрийлик ёшига етгач, соҳага мен келдим. Шунга ҳам мана салкам 13 йил бўлай деб қолибди. Ана шу йиллар мен учун катта ҳаёт мактаби бўлди, десам асло муболага бўлмайди. Ишимни мукамал даражада билман, деб айтолмайман. Гарчи бунга ҳар кун, ҳар соат интильсам-да. Аммо одамийлик илминини маълум даражада ўрганолиганимдан шодман. Бу шундай илмики, инсон, унинг ҳаёти, ёшлиги, кексаллигини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Тафаккур қиласиз. Умрининг, олтиндан азиз одамларнинг кадр-қиммати нима, ихлос, эҳсон, сабр-тоқат, шукроналик не эканлигини хис этиб, тенгқурлардан барвақстрок улғаясиз. Доимо одамларнинг хурсандчилигига ҳам, дардларига ҳам шериклик туфайли оилаларнинг қариндошларидек яқин кишига айланасиз. Одамлар меҳрини қозонасиз. Бундан ҳам нодирроқ бахт бормикан?

"Хабар" газетасида почта алоқаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги, почта тараққиёти ҳақидаги мақоаларни ўқиганимда менга қарашиб юриб,

хабарчи бўлишни орзулаётган қизим Зарнигорга бахту қамол тилайман.

Ватан туйғуси, мустақиллик... Мен учун энг тоқатли, энг ёқимли сўзлар... Биргина мисол. Буюк аллома боболаримизга ҳам назар-писандиз қараларди. Кўчаларимиз қалбларимизга ёт, тушунарсиз номлар билан аталарди. Ҳозир мен Абусайд Ҳўқандий кўчасига хизмат қилман дейишнинг ўзи менга жуда ёқимли. Шу ҳам Ватан туйғуси бўлса керак. Мен ВАТАНни нурувий отахон ва онахонларнинг шукронаи саодатда эканлигида, сафларимизга эҳтигина қўшилган олий маълумотли мутахассисларнинг, коллежаларни тугаллаб келган навқирон фарзандларимизнинг чаклоқ кўзларига кўраман.

Юсуфали УСМОНОВ, хабарчи:

— Болаларинг роҳатини кўр, топганинг тўйларга буюрсин...

Биз, хабарчилар энг кўп дуо оладиган халқмиз. Рост. Оилам, болам-чақам соғ-омон, оёқ-қўлим бутун — буларнинг ҳаммаси элу юртинг дуосидан, сидқидил меҳнатим шарофатидан деб биламан. Ҳаммамиз кўконлик устозларимизнинг, жумладан, Мирзаалхам Мирзаевнинг "Халол бўлу доно бўл! Шунда ишлаб, дуо олиб қарчамайсан!" каби ўнгиларига, пурхиломат сўзларига амал қилиб кам бўлмаймиш. Умидимиз бор. Биз ҳам улардек ўттиз-ўттиз беш йил ишлаб, дуо олиб қарчамаймиш.

"Яхши ишлаясиз, Раҳмат! Барака топинг!" дея муқофла фахрий ёрлик ва велосипед беришганда бошим осмонга етганди. Меҳнат — зийнат ерда қолмас, деганлари шу бўлса керак.

Ҳа, касбимни, одамларни, Ўзбекистонини яхши кўраман, "Яхши кўраман" десам қўнгил тўлмайди, "севаман" дейиш эса, менимча, шоир ва адибларга ярашади. Мен нима десам экан... Мен Ўзбекистонсиз, Ҳўқанди латифсиз, оиламиз хатто бир кунимни ҳам тасаввур этолмайман.

Шу Ватан туйғуси бўлса керак. Мен ҳаминша шу туйғу билан яшайман, ҳар тонг шу туйғу билан ишга отланаман...

Хафиза САЛЯХОВА, "Хабар"нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

ШОНЛИ ЙЎЛ

**2002 йил
30 май.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

8 июн. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислам Каримов имзолаган "Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чоратadbirlари тўғрисида"ги қарор матбуотда чоп этилди.

3 июл. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

**2003 йил
5 июн.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси, "Мицун" компанияси бошқаруви раиси Нобуо Охаси раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизга қунчқор ўлқадан келтириладиган замонавий технологиялар ва жалб этилаётган япон сармояси ҳажминини оширишга оид масалалар юзасида фикр алмашилди.

11 декабр. Президент Ислам Каримов "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги ва "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини тасдиқлади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фаолияти хроникаси" китобидан

Xalqaro haqot



ХИТОЙнинг шимоли-ғарбида жойлашган Сицзян-Уйғур автоном туманида юзага келган қўзғолон 27 кишининг умрига зомин бўлди. Хукумат вакиллари маълумотларига кўра, кичик шаҳарларнинг бирида бир гуруҳ одамлар совуқ қурол билан полиция участкаларига ҳужум қилишган. Улар бир нечта полиция участкаларини ёқиб юборишган. Хужумлар оқибатида ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг тўққиз нафар ходими ва саккиз нафар оддий фуқаро ҳалок бўлган. Хужумчилардан эса ўнга яқини йўқ қилинган. Ҳозирча тартибсизликлар сабаби маълум эмас.

ФРАНЦИЯнинг Париж шаҳрида жойлашган Эйфел минорасини кўргани бир кунда 25-30 минг киши ташриф буюради. Бу кўрсаткич йил давомида 7 миллион кишини ташкил этади. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш ташлашлари сабаб сешанба кунини минора ёпиб қўйилди. Иш ташлашда иштирок этганлар маошларини оширишларини талаб қилишмоқда.

ПОЛШАда бомбалар қўйилганлиги ҳақидаги таҳдидли хабарлар сабабли 20дан ортиқ муассаса эвакуация қилинди. Эвакуация давлат муассасаларига, хусусан, касалхоналар, судлар, прокуратура офисларига келган портлаш ҳақидаги электрон хабарлардан сўнг амалга оширилди. Маълумотларга қараганда, таҳдидлар савдо марказларига ҳам қилинган. Полиция бу ташкилотларнинг бирортасида ҳам портловчи мослама топилмаганлигини маълум қилмоқда.

Польша ички ишлар вазири таҳдидлар ёлғонлигини тасдиқлади. Мазкур хабарни йўллаган жиноятчини қидириш ишлари бошлаб юборилди. Ҳарас ниятларини саккиз йил қамоқ жаозаси кутмоқда. Газеталар хатлар АҚШ ва Германиядан жўнатилганини маълум қилмоқда.

ИРОҚ пойтахтида юз берган навбатдаги портлашлар оқибатида камиди 27 киши ҳалок бўлди, 65 киши эса жабрланди. Бағдоднинг асосан шиалар истиқомат қиладиган туманларида кетма-кет етти та портлаш юз берди. Маълумотларга қараганда, портловчи мосламалар асосан автомашиналарда ҳаракатда келтирилган. Ҳозиргача ҳеч қайси ташкилот терактларнинг жавобгарлигини зиммасига олмади. Сўнгги ойларида Ироқда суннийлар ва шиалар ўртасидаги қарама-қаршиликлар сабабли террорчилик ҳаракати авж олган.

БОЛГАРИЯ Президенти Росен Плевнелиев икки ҳафтадан бери барча шаҳарларда давом этаётган оммавий эътирозларга чек қўйиш мақсадида мамлакатдаги барча сиёсий кучлар билан музокаралар бошлангани ҳақида эълон қилди. Коррупция ва бошқа бир қатор жиноятлардан ғазабланган наомийшчилар Пламен Орешарски бошчилигидаги ҳукуматнинг истеъфога чиқилиши талаб қилишмоқда.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ Никола Саркози Францияда 2017 йилда бўлиб ўтадиган президент сайловларида қатнашиб, сиёсий саҳнага қайтишга қарор қилган. Саркози тарафдорларининг айтишича, унга бу қарорини қабул қилишга Лилян Бетанкур иши бўйича суд текширувлари ҳамда собиқ бош вазир Франсуа Фиеннинг президент пойғалирида иштирок этиш ниятида бўлгани туртки берган экан. Чунки Саркози уни ёлғончи ва сотқин деб ҳисоблайди. Кузатувчиларнинг фикрига кўра, агар Саркози сиёсатга қайтишга қарор қилган бўлса, унга барча французларга тушунарли бўлган вояларни топишга тўғри келади.



MICROSOFT WINDOWS 8.1 ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Мазкур амалий тизимда янгиланувчи "ойналар"нинг "Пуск" тугмаси яна ишга туширилди. Шунингдек, иш столини "жонли плиталар"га мурожаат этмасдан юклаш, қолаверса, персонализацияга оид бир қатор амалиётлар татбиқ этилган.

Windows 8.1нинг дастлабки шакли фойдаланувчиларга мунтазир — бунинг учун Windows 8нинг Windows Storeдан дастурни юклаб олишига руҳсат бериш, қурилмани қайта ёқиш ва дастурни ўрнатиш лозим.

SONY SMARTFONIDA ULKAN DISPLEY

Планшетлар кичрайиб, смартфонлар эса, аксинча, йириклашиб борапти. Бунга Sony компанияси чиқарган улкан смартфон ёки кичик планшет мисол бўлади.

Xperia Z Ultra телефони нафақат катта диагоналли дисплейга эга (6,4 дюйм/1920x1080 — бир дюймда 344 нуқта жойлашган), балки жуда юққа, кўп функцияли ва намликка бардошлидир.

Амалий тизим — Android 4.2 Jelly Bean; процессор — Qualcomm Snapdragon 800; аккумулятор — 3000 мА/с; камера — 8 мегапиксел.



НИГОҲ БИЛАН БОШҚАРИЛУВЧИ БИРИНЧИ УЛТРАБУК ЧИҚАРИЛДИ

Швециянинг Tobii компанияси бир неча йиллардан буён ноутбукларга кўз ҳаракатини кузатувчи технологияларни татбиқ этиш билан шуғулланиб келади.

Компания хабар беришича, эндиликда ултрабукларга ҳам Synaptics ForcePad таъпад жойлаштирилган аппарат қурилмаси ўрнатишга муваффақ бўлинган.

Бунда ҳужжатларни кўз ёрдамида саҳифалаш мумкин, компьютер сичқончаси, клавиатура ёки сенсор панелдан ҳам фойдаланилади.

iPhone БОЗОРИ БОЙ БЕРМОҚДА

IDC компанияси ҳисоблашича, 2013 йил биринчи чорагида Ғарбий Европа бозорига 43,6 миллион дона мобил телефон чиқарилган ва бир йилда 4 фоизлик ўсish кузатилган.

Бозорнинг асосий юритувчиларидан бири — Apple мавқеини йўқотаяпти. Ўтган бир йил давомида iPhone смартфонларини етказиб бериш 11 фоизга камайиб 6,2 миллион қурилмани ташкил этган — бу Ғарбий Европа бозоридидаги турдош маҳсулотларнинг бешдан бири демакдир.

Асосий рақиб — Samsung эса бу жаҳада ҳавас қиларли натижаларга эришяпти. Биринчи чорада 14,3 миллионга смартфон сотишга эришган корейлар Ғарбий Европа бозорининг 45 фоизини забт этишган.

ЭНГ КўП ЗАРАРЛИ САЙТ ХИНДИСТОН ВА МАРКАЗИЙ ЕВРОПАДА

Google компанияси интернетдаги таҳдидлар, зарарли дастурларнинг асосий манбалари ва фишинг ҳужумларига бағишланган ҳисоботи (Transparency Report)ни тақдим этди.

Эътиборли томони, зарарли дастурларни тарқатишда мунтазам айбланиб келган давлатлар аслида бундай эмас экан. Масалан, Россия ва Украинадаги сайтларнинг 8 фоизи зарарланган ресурслар ҳисобланади. Хиндистонда бу кўрсаткич — 15 фоиз, Мексикада — 12 фоиз, Чилида — 11 фоизни ташкил этади. Бу жиҳатдан Марказий Европа мамлакатлари ҳам "пешкадамлар" сафида: Венгрия (15 фоиз), Босния (16 фоиз).



ЮҚОРИ ТИНИҚЛИКДАГИ ТЕЛЕВИЗОР НАРХИ 700 ДОЛЛАР

Seiki компанияси ўта юқори тиниқликдаги таъвир (4K Ultra HD (3840x2160)ни намойиш этувчи телевизорларнинг энг чўнтақбонини тақдим этди. Суюқ-кристалл экранни ўлчами 39 дюймни ташкил этувчи бу телевизорларнинг нархи 699 доллар эътиб белгиланган.

Seiki телевизорларида USB-порт мавжуд бўлиб, ташқи сақлагичлардаги 4K-фотосуратларни ҳам томоша қилиш мумкин. Шунингдек, ТВ-жамланмада HD-филмларни кўриш учун HDMI 1.4 кабел қўшиб берилади.

Иқтисодий барқарорлик

ОАВ тараққиётини таъминлайди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Жорий йилнинг 26 июн кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда "ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш — уларнинг эркинлиги, мустақиллиги ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатидан қўзланган асосий мақсад ОАВнинг молиявий ва иқтисодий эркинлигини янада мустахкамлаш, уларда эълон қилинаётган материалларнинг сифати, журналистларнинг маҳорати ва фаолият самардорлигини дунёдаги ривожланган ОАВга қўйиладиган юқори талаблар ва мезонлар даражасига кўтариш ҳамда "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги ҳамда "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларига таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини, хоҳиш-иродалари каби конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқишни таъминлашда эркин ва мустақил ОАВ ва уларнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ролини ошириш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан саналади.

Мақсуд вазифаларни бажариш бевосита ахборот соҳасига бозор механизмлари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини мустахкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни муҳофазалашнинг ишончли механизмларини яратиш ва ҳуқуқий кафолатларни ошириш, ахборот бозори иштирокчиларининг иқтисодий ин-

тиллешларини ҳимоялаш ва бошқа миллий ахборот маконини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни жорий этиш билан узвий боғлиқдир.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиш жараёнида давра суҳбати иштирокчилари мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий

Кейинги ўн йилликда миллий ОАВ сони 1326тага етди. Ҳолбуки 2000 йилда республикамизда 700га яқин ОАВ фаолият юритган.

ОАВ фаолиятини демократлаштириш ва либераллаштириш, уларнинг демократик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлаш бўйича кенг қамровли чоралар амалга оширилганлигини эътироф этишди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори асосида ОАВ тахриратлари ва нашриёт-матбаа корхоналарининг мустақиллиги, эркинлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган қатор солиқ ва боғжона имтиёзлари яратиб берилди.

Кейинги ўн йилликда миллий ОАВ сони 1326тага етди. Ҳолбуки 2000 йилда республикамизда 700га яқин ОАВ фаолият юритган. Шундан умумий ОАВ таркибиде нодавлат секторининг ҳиссаси 14,2 фоиздан 58,2 фоизга ошган. Айниқса, нисба-

тан фаол ўсиш ҳудудий ОАВ ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, уларнинг сони 2000 йилдан 2012 йилгача икки баробар, яъни 480 тадан 977тага ошган. Медиа-маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари кенг жорий қилинмоқда.

Давра суҳбатида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш доирасида тайёрланган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги ва "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонулар лойиҳалари таҳлил этилди ва муҳокама қилинди.

Муҳокама ва мунозаралар жараёнида қайд этилган қонун лойиҳалари нормаларини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Медиа бозорини янада ривожлантириш мақсадида ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ шаклларини ишлаб чиқиш, айниқса, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишда солиқ ва боғжона имтиёзларини белгилаш, давлат субсидиялари, грантлари, ижтимоий буюртма тизимлари орқали ОАВ ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, медиа соҳа ходимлари малакасини оширишни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, миллий ОАВ маҳсулотларининг рақобатбардошлилиги ва сифатини яхшилаш масалалари келажакда бевосита ахборот соҳасида соғлом рақобатни ривожлантириш, айниқса, маҳаллий нодавлат ва тижорат соҳасидаги ОАВ соҳасидаги ижодий рақобат, уларнинг иқтисодий мустақиллигини, моддий-техника базасини мустахкамлаш билан боғлиқдир. Бунда ахборот соҳасида ҳуқуқий механизмларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ҳамда барча ОАВда мар-

кетинг ва менежмент асосларини ўзлаштириш, уларни мулк шаклидан қатъи назар, амалга ошириш, тахриратларда иқтисод ва бозорга оид билим ва кўникмаларни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишда аҳолининг барча қатламлари қатори ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларини ҳам инобатга олган ҳолда фаолият юритиш зарурлиги, ОАВ бозори ривожланиши лозимлиги, ammo нархлар аҳолининг барча қатламлари учун қулай бўлишига эришишга интилиш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабли қонун лойиҳаларида албатта ахборотга эга бўлиш ва уни тарқатишда ижтимоий тенглик принципларига амал қилиниши муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Оммавий ахборот воситаларининг чинакам мустақиллиги ва фаолиятини бундан буён ҳам таъминлаб бориш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама илғари суришдаги, халқимизнинг ноёб маданияти ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини, шунингдек, янгилаш ва модернизация жараёнидаги таъсирчанлигини кучайтиришдан келиб чиқиб, ахборот соҳасининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, уларни энг илғор технологиялар билан жиҳозлаш, ОАВ ходимларининг масъулиятли хизматини моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифаларни ҳал этиш лозим. Шунингдек, ахборот соҳасида муаллифлик ҳуқуқи соҳасидаги мавжуд муаммолар ечимига алоҳида эътибор қаратиш истикболдаги асосий вазифалардан эканлиги ҳам қайд этилди.

Ҳафиза ҚАРИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

Парламент ва журналист

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати томонидан 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабат билан "Қонунчилик фаолиятини жамоатчиликка етказишда журналист маҳорати" мавзусида Парламент журналистлари клубининг йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Бахтиёр Якубов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Абдуманноп Раҳимов, Ахборот хизмати раҳбари Олим Ҳасаровлар амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг шаффоқлиги, очиқлик ва ошқоралигини таъминлашда ОАВнинг тутган ўрни, парламент фаолиятига оид тадбирларни тезкор ва ҳолисона тарзда кенг жамоатчиликка етказишда журналист маҳорати ва уларнинг машаққатли ҳамда масъулиятли меҳнатларини алоҳида эътироф этишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот

хизмати фаолияти йўлга қўйилгач, парламент журналистларини тайёрлаш ҳамда ихтисослашувига алоҳида эътибор қаратилди. Парламент фаолиятини ритулгуви журналистларнинг касб маҳорати ва тажрибасини ошириш, ОАВ вакиллари билан Қонунчилик палатаси ўртасидаги алоқаларни янада мустахкамлаш мақсадида эса Парламент журналистлари клуби ташкил этилди. Ушбу клуб икки йиллик фаолияти давомида ҳар ойда журналистика соҳаси экспертлари иштирокида мажлислар ташкил этиб, унда парламент хатини ёритиш бўйича тажриба алмашилмоқда, эфирга узатилган ва чоп этилган

материаллар таҳлил қилинмоқда. Қайд этиш жоизки, шу тарихда ўзбек журналистикасининг янги бир йўналиши сифатида парламент журналистикаси юзага келди. Профессонал ёндашув натижасида эса Қонунчилик палатаси иши юзасидан ёритилаётган таҳлилий материаллар ҳажми ва моҳияти ошди.

Шунингдек, йиғилишда парламент қонун ижодкорлигининг янада такомиллашуви ва унинг ОАВда ёритилишидаги аҳамияти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ҳамда ошқоралигини таъминлашда журналист масъулияти каби мавзуларда фикрлар билдирилди.

Тадбир якунида парламент фаолиятини самарали ёритишда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз

В Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в нашей республике уделено особое внимание дальнейшему углублению демократических реформ и либерализации экономики, совершенствования системы управления в экономике, устранению бюрократических преград. В частности, отмечена необходимость четкого определения строго ограниченного перечня и видов разрешительных процедур, необходимых для ведения предпринимательской деятельности, решительно сократив излишние и установив законодательный запрет на введение новых видов разрешений и разрешительных процедур, не предусмотренных законом.

Либерализация разрешительных процедур

В связи с этим, в стране за последние годы приняты ряд нормативно-правовых актов, направленных на сокращение и уточнение разрешительных процедур. В частности, принят Закон "О разрешительных процедурах в сфере предпринимательской деятельности", Указ Президента Республики Узбекистан от 16 июля 2013 года "О мерах по кардинальному сокращению статистической, налоговой, финансовой отчетности, лицензируемых видов деятельности и разрешительных процедур", постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 июля 2011 года "О совершенствовании системы разрешительных процедур и государственного надзора в сфере градостроительной деятельности", от 17 октября 2011 года "О дополнительных мерах по устранению бюрократических барьеров и сокращению государственных управленческих функций при осуществлении разрешительных процедур" и ряд других актов законодательства.

В соответствии с указанным Законом к действиям и (или) деятельности, для совершения и (или) осуществления которых необходимо прохождение разрешительных процедур, могут быть отнесены действия и (или) деятельность субъектов предпринимательства, совершение и (или) осуществление которых может повлечь за собой нанесение ущерба правам и законным интересам субъектов предпринимательства, жизни и здоровью граждан, общественной безопасности и вреда окружающей среде, регулирование которых не может осуществляться иными методами, кроме разрешительных процедур. Разрешительные процедуры в сфере предпринимательской деятельности устанавливаются законодательством.

В случаях, когда уполномоченному органу для выдачи субъекту предпринимательства документа разрешительного характера требуется получение документов разрешительного характе-

ра, выдаваемых другими уполномоченными органами, выдача документов разрешительного характера осуществляется в упрощенном порядке в "одно окно", при котором уполномоченный орган получает указанные документы самостоятельно без участия субъекта предпринимательства.

Установлено, что с 1 августа 2012 года:

лицензии на осуществление видов деятельности по перечню, выдаются без ограничения срока действия. При этом ранее выданные лицензии на осуществление указанных видов деятельности считаются без ограничения срока их действия;

запрещается отказывать в выдаче лицензий и разрешений по новым основаниям в случае, если субъектами предпринимательства повторно были представлены заявления с устранением ранее указанных недостатков.

Установлен порядок, в соответствии с которым с 1 января 2013 года:

отменено представление на ежемесячной основе налоговой отчетности по всем видам налогов и другим обязательным платежам, за исключением налога на сверхприбыль;

микрофирмы представляют статистическую отчетность на годовой основе с ежеквартальным проведением органами статистики выборочных обследований по соответствующим направлениям и сферам деятельности.

Кроме того, в целях кардинального улучшения деловой среды принят Указ Президента Республики Узбекистан от 18 июля 2012 года "О мерах по дальнейшему кардинальному улучшению деловой среды и предоставлению большей свободы предпринимательству", согласно которому важнейшими задачами современного этапа дальнейшего углубления рыночных реформ и либерализации экономики определены:

кардинальное улучшение делового климата в стране, создание еще более благоприятных условий для ускоренного развития предпринимательской

деятельности, повышение доли частной собственности в развитии экономики за счет совершенствования законодательства, направленного на усиление защиты прав предпринимателей, дальнейшей ликвидации бюрократических барьеров, сокращения и упрощения регистрирующих и разрешительных процедур, совершенствования налогового и таможенного администрирования, системы учета и отчетности;

широкое внедрение общепринятых в мировой практике международных критериев оценки условий ведения бизнеса и достижение высоких показателей в оценках ведущих международных финансово-экономических и рейтинговых организаций;

дальнейшее углубление конкуренции на внутреннем рынке, создание для всех субъектов предпринимательства, независимо от форм собственности и организации их деятельности, равных условий ведения бизнеса, широкого доступа на рыночных принципах к материально-сырьевым и кредитным ресурсам, участие в государственных закупках, тендерных торгах на реализацию продукции и осуществление подрядных работ;

обеспечение широкого перехода на электронную систему, включая интернет, предоставления статистической, финансовой и налоговой отчетности, уплаты налогов и обязательных платежей, осуществления регистрационных и разрешительных процедур, выделения земельных участков и подключения к инженерно-коммуникационным сетям, а также кредитования субъектов предпринимательства, исключая прямые контакты между государственными, контролирующими органами и субъектами предпринимательства, бюрократическую волокиту и коррупцию.

Умиджон СУЛАЙМОНОВ,
главный консультант Управления
государственной регистрации
ведомственных нормативных актов

IBM представила технологии для электронного правительства

Группа компаний Nihol и корпорация IBM провели в Ташкенте семинар, на котором были представлены технологии для реализации архитектур электронного правительства.

На семинаре выступили представители офисов IBM в России и Казахстане. Был рассмотрен международный опыт в построении электронного правительства и отдельно взятых центров обработки данных.

В выступлениях отмечалась необходимость внедрения в практическую деятельность органов государственной власти единой методологии в реализации архитектуры элект-

ронного правительства.

"Группа компаний Nihol сотрудничает с IBM с далекого 1996 года. За этот период был внедрен ряд успешных проектов в различных сферах", — сообщил председатель совета учредителей холдинга Nihol Фазлидин Мирзаев.

На семинаре были также представлены новые модели и возможности серверов IBM на базе POWER7+, отличающихся повышенной производительностью, масштабируемостью и надежностью.

ictnews.uz

Первый выпуск НОВОГО ФАКУЛЬТЕТА

20 июня приёмные комиссии ВУЗов Узбекистана начали приём документов абитуриентов на 2013/2014 учебный год для поступления на учебу в высшие учебные заведения страны. Постановлением Президента Узбекистана от 11 июня установлены общие квоты приёма — 56607 бакалавров и 6300 магистров. Так же сохранены квоты приёма на специальное заочное отделение Ташкентского университета информационных технологий — 50 бакалавров.

Срок обучения на специальном заочном отделении — 3 года, и приём документов на это отделение производится только от абитуриентов, имеющих среднее специальное образование (колледж или техникум) по избранной специальности, стаж работы по избранной специальности не менее трех лет и рекомендательное письмо (тавсифнома) с места работы.


А днём позже, 21 июня Государственная аттестационная комиссия завершила работу на факультете телевизионных технологий университета. Этот факультет был организован Постановлением Президента Узбекистана в 2009 году для подготовки кадров для национальной телерадиокомпании Узбекистана. Специальные (выпускающие кафедры) факультета — кафедра компьютерной графики и дизайна и кафедра "ТРЭС ва Ж" (кинотеатрооператорского мастерства и специального освещения).

В состав Государственных аттестационных комиссий были приглашены ведущие специалисты Национальной телерадиокомпании, Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий, Агентства Узбекистана, института искусствознания, других отраслей и министерств. Защиту выпускных квалификационных работ (дипломов) успешно осуществили 81 студент. Это — первый выпуск нового факультета! Академического звания бакалавра удостоены: по направлению обучения "Компьютерная графика и дизайн" — 17 студентов, "Аудио-видео технологии" — 18 студентов, "Технологии звукозаписи" — 18 студентов, "Кинотеатрооператорское мастерство" — 12 студентов, "Технологии специального освещения" — 16 студентов. Некоторые дипломные работы аттестационной комиссией признаны как имеющие важное значение для нашей страны.

Поздравляем всех выпускников факультета и желаем успешной работы на благо Узбекистана.

А.АБДУРАХИМОВ,
старший преподаватель факультета
телевизионных технологий
ТУИТ

Хабар +tv




5.55 Қўрсатув дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Идиш".
7.05 "Кўнгли қўшиқ истайди".
7.20 Мистий сериал: "Ўзи уйланмаган соғин".
8.00 "Таҳринома".
8.40 "Эмма", Т/с.
9.20 "Саломатлик сирлари".
9.45 Ёшлар учун фильм: "Қўнғок оёқларини".
11.00 "Абгор".
11.10 "Вагнарлар".
11.55 "Идиш".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнгли қўшиқ истайди".
13.05 "Савойи нақар". Т/с.
13.10 "Шарқ тароналари".
14.00 "Абгор".
14.15 "Эне" студияси "Этноколл мексиканинг янги".
14.35 "Идиш".
14.40 Мистий сериал: "Хайт вильсон".
15.10 "Оқ акаш" подлири.
15.25 Ужбе киноси: "Келинар қўнғоли".
16.30 "Тарафиди дастури".
17.00 "Абгор".
17.10 "Менинг бошим".
17.25 "Идиш".
17.30 "Эркин фикр".
17.40 "Эртасиз - юшнелик етаклар".
18.00 "Кўнгли қўшиқ истайди".
18.15 "Муқаддас қўнғоқлар".
18.35 "ТВ - шафқор".
18.40 "Савойи нақар". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 "Экватор".
19.30 "Абгор" /рус/.
20.05 "Навоий буютиноми".
20.10 "Мервонхона хўжайини". Т/с.
21.00 "Абгор".
21.40 "Муножаби".
22.10 "Кўнгли қўшиқ истайди".
22.25 "Матонч". Т/с.
23.10 "Идиш".
23.15 - 23.40 "Ер сайраши". Х/ф.
23.40 Қўрсатув дастури.
23.45 "Мистий сериал: "Хайт вильсон".
00.10 "Идиш".
00.20 "Юпити буйлаб" дастури: "Қўшар олаш".
00.30 "Шарқ тароналари".
1.00 "Абгор" /рус/.
1.30 "Тез Гейлр": "Ҳақир синовлари". 1-кўр.
2.10 "Вагнарлар".
2.55 "Менинг бошим".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Абгор".
4.40 Мистий сериал: "Ўзи уйланмаган соғин".
5.20 "Саломатлик сирлари".
5.35 - 5.55 "Муқаддас қўнғоқлар".



6.00 "Янги меҳри".
6.10 "Парвон".
6.50 "Исқандол солномаси".
7.00 "Мушпашиларнома".
8.00 "Савойи иник", Т/с.
8.40 "Ешлик нақар".
9.00 "Гинди тўқиди".
9.50 "ЎзЕХ".
10.00 "Қўнғок-инфо".
10.10 "Нозик ҳақлар". Т/с.
11.00 "Катта шафқор".
11.20 "Сеним, шопмай тур". М/с.
11.30 "Сехри тур". Т/с.
12.00 "Қўнғок дўбодқар". М/с.
12.10 "Аскар". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Рахти оқиллар". Б/ф.
14.40 "Ешлик нақар".
15.10 "Қозимбо". Т/с.
15.50 "ЎзЕХ".
16.00 "Давр".
16.10 "Доктор Қўнғи". Т/с.
17.00 "Қамолот-инфо".
17.10 "Кўнча ва боқиди".
17.30 "Сениг афсонаи". Б/ф. 1-кўр.
19.10 "Давр".
19.30 "Жийда гул". Т/с.
20.00 "Ешлик нақар".

20.20 "Нусрати навар".
20.30 "Эртаник болақонлар".
21.10 "Аскар". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Муқарр". Б/ф.
22.50 "Ешлик нақар".
00.20 "Муқайсани дун".
0.10 "Сехри қўлар".
1.30 "Давр".
2.00 "Жийда гули". Т/с.
2.30 "Тазина".
3.10 "Мистий меҳор".
3.30 "Ашқор Навоий". Б/ф.
5.10-6.00 "Шарқ нақар".




6.00 "Мағри".
6.05 Қўрсатув тартиби.
6.10 "Ҳажа гушаи".
6.20 "Хайт-мамонт". Т/с. 99-кўр.
7.00 "Салом, Тошкент".
8.00 Тошкент таронали.
8.15 "Донлар босидаш".
8.20 "Интеллектуал аукцион".
8.30 "Пошта".
8.50 "Саргуштарлар ором".
9.15 "Қамер оркестрининг концерти".
9.20 "Пошта".
9.45 "Муқаддас учун ману".
10.15 "Интервю".
10.25 "Уларим".
10.40 "Пошта" /рус тилида/.
10.45 "Ароқим меҳри".
11.00 "Катта болиқ қариди". Б/ф.
11.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дун". теледастури.
14.25 "Бизанс-ройтат".
15.00 "Пошта".
15.15 "Танчи нуқраш".
15.40 "Тендишлар".
15.55 "Эко-пойнт".
16.05 "Эс ифори". Т/с. 1-кўр.
16.30 Тошкент таронали.
16.45 Муқарр сериал: "Қўнғок амакининг қонқорлари". 21-22 кўрлар.
17.10 "Келинг менинг дастури". /инглиз тилида/.
17.25 "Пошта".
17.45 "Қасим-Ҳақир".
18.00 "Пошта".
18.25 "Интеллектуал аукцион".
18.35 "Қармондор".
18.45 "Интервю".
18.55 Мистий сериал: "Умидинги сўшрив". 13-кўр.
19.25 Тошкент таронали.
19.40 "Тез-маркет".
20.00 "Пошта".
20.25 "Репортер".
20.55 "Мисли тақар".
21.50 "Мафрийд филофилари".
21.50 "Уларим".
22.15 Тошкент таронали.
22.30 "Тез-маркет".
21.50 "Хайт-мамонт". Т/с. 100-кўр.
22.20 "Пошта" /рус тилида/.
22.40 "Кино S.M.U". /рус тилида/.
22.55 "Талабани олаш". Б/ф. /рус тилида/. (Папа студентки).
00.15 Қўрсатув тартиби.
00.20 "Сур остига сабош". Х/ф. /рус тилида/.
00.50 "Оталар". Б/ф. /рус тилида/. (Павлици).
1.15 "Уларим".
2.25 Хинд киноси: "Муқаббат риплиси". 1-2 кўрлар.
3.00-6.00 "Салом, Тошкент".



6.00 "Хайди тонг".
6.05 Қўрсатув тартиби.
6.10 "Саломатлик сирлари".
6.35 "Спортилар оқилли".
6.50 "Қўнғок мақаб".
7.25 "Болақон мақаб".
7.50 "Танчи нуқраш".
8.00 "Саломатлик сирлари".
8.00 ХАБАРЛАР.


8.40 "Саломат бўлинг".
9.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Бунёкор" - "Пахтакор".
10.30 "Аскар футболлари".
11.25 Велоспорт. Тур де Франс.
12.55 Рақамлар, нотиқлар, рейнитлар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.10 Боллар миллиончаси: "Спортландия", Мушпаши.
13.40 "Ринг қорқорлари".
14.25 Теннис. Уимблдон турнири.
15.50 "Халқ Гинислари".
16.05 Футбол. Конфедерациялар куботи Финал.
17.55 Қўрсатув тартиби.
18.00 Боллар миллиончаси: "Спортландия", Мушпаши.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 Футбол. Жаҳри чемпионати. u - 20.
20.40 "Футбол шарри".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.45 Футбол. Жаҳри чемпионати. u - 20.
23.40 "Формула 1" Борк Британия гран-приси. Саралиш.
00.45 Енгил атлетика. Халқор турнир.
1.30 Футбол.
1.50 Футбол. Жаҳри чемпионати. u - 20.
4.25 - 5.50 Теннис. Уимблдон турнири.



07.00 08.10 10.30 13.30 15.20 18.30 19.50 20.35 00.00 04.00-05.00 "TVM" наволири.
08.00 "Prime time".
09.40 Сериал "Читаюший мысли".
11.30 "Квант мисироник" Х/ф.
14.10 Сериал "Муқаббат номи ила".
15.10 "Prime time".
18.00 "Премьера".
18.40 Сериал "Муқаббат номи ила".
19.40 "Prime time".
20.00 "Топ-10".
21.10 Сериал "Читаюший мысли".
22.00 "ЛАРА КРОФТ. РАСХИТИ-ТЕЛЛИЙНА ГРОБНИЙ" Х/ф.
02.00 Фестивальное кино: "Тельма и Луиза".




04.00 08.05 "Доброе утро".
08.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости.
09.05 "Жизнь актера".
10.05 Молвий притвор.
11.15 Контрольная записка.
11.40 "Время обидки".
12.10 "Доброе утро".
12.50 "Истина где-то рядом".
13.00 Доброе новости.
13.25 17.40 Понять. Простить.
14.20 "4 пазова на рынок".
15.20 Т/с "Женский доктор".
16.10 Т/с "Проект Бразили".
17.00 Вечерние новости.
18.05 "Давай поговорим".
19.00 "Тысячи говори".
20.00 "Время".
20.30, 02.35 Т/с "Лист ожидания".
22.15 "Вечерний Ургант".
22.50 Т/с "Виолетт".
23.35 Ночные новости.




04.00 Утро России.
08.00 "1000 мелочи". Ток-шоу.
08.45 "О самом главном". Ток-шоу.
09.30 "Кухня и путешествие".
10.00 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.30 13.30, 16.10, 18.40 Вести-Москва.
10.50 13.50 Вести. Дежурная часть.
11.00 Сериал "Тайны следствия".
12.00 "Собый случай".
14.00 Сериал "Тайны института благородных девиц".
15.00 16.30 Сериал "Ласточкино гнездо".
17.30 "Первый эфир".


19.50 Спокойной ночи, малыши!
20.00 Сериал "Отец Президент".
21.30 Сериал "Роксолана".
23.55 Кулавица мать. Итоги.
"Воарит мирно. Атомный романс".
00.55 Вести +




05.00 "HTB утрор".
07.35 Т/с "Возвращение Мухомора".
09.00 12.00 15.00 18.00 Сегодня.
09.20 Т/с "Возвращение Мухомора".
09.45 "До суда".
10.55 Сун прикљичке.
12.25 Т/с "Улицы забытых фонтан".
14.20 17.30 Общор. Чрезвычайное происшествие.
15.25 "Прокурорская проверка".
16.35 Алексей Кравченко и Сергей Севиц в боевике "Бригата".
20.20 Т/с "Кавказский пленник".
21.35 "Сегодня. Итоги".
22.15 Т/с "Стерва".
03.30 "Война против своих. Игнатьев Корнилов. Маков".



05.00 "Моя планета".
06.45 11.45 03.10 Вести.ру.
07.00 09.00 12.00 16.55 22.45 Большой спорт.
07.20 "Страна спертнири".
08.30 "Моя рыбака".
08.30 "Диалог о рыбалке".
09.20 Фильм "Железный орд 2".
11.15 Наука 2.0. "Эксперименты".
Ветеринари.
12.20 "74 кадра".
12.50 "Наука на колесо".
13.25 Митъя МакКонли в фильме "Саша".
15.30 Наука 2.0. "Эксперименты".
Урошение воды.
16.25 "Наука 2.0. Большой скачок".
Каван. Спортивная стройка.
17.15 Фильм "Звездочет".
20.35 Смешанные единоборства.
23.15 "Угрозы современного мира".
Экстренные дежани.
23.45 "Угрозы современного мира".
02.10 Сидней Сталоне в фильме "Рокки 3".
02.25 "Паноптикон. Город под водой".



06.00 Мушпаши.
06.40 "Корсаки полиция". Экстрим-шоу. Ведущий - Михаил Барышников.
08.30 15.50 "23.20 '6 кадров".
11.00 Шоу "Уральские пельмени".
"Женское" - 23-я часть 1.
11.30 16.00 23.30 00.00 "Даша Мельникова".
14.00 "Сенг" Х/ф.
17.30 "Вороны". Х/ф.
21.30 "Кувиз".
21.30 "Бегущий человек". Х/ф.
01.30 "Лиски-ХЗ". Юмористическая программа.



06.00 Мушпаши.
09.00 "Магия ели".
10.00 18.00 00.30 "X-Версии. Другие новости".
11.15 Д/ф "Горькие легенды. Бугайра". Героина особого назначения.
12.15 Х/ф "Пленница".
14.00 Х/ф "Красная шляпка".
16.00 Д/ф "Галдиза".
17.30 Д/ф "Параллельный мир".
18.30 Д/ф "Останкино на привокзальной".
19.00 Т/с "Метель".
22.45 Х/ф "Пункт назначения 5".

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Икким".
7.05 "Кўнгли кўшиқ истайди".
7.20 Миллий сериал: "Ўзи уйлашганим совга".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Эмма". Т/с.
9.30 "Эркин фикр".
9.40 "Икким".
9.45 "Навоийни аниглаш".
10.00 "Матонат". Т/с.
10.45 "Икки дунё". М/с.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Мехмонона хўжайини". Т/с.
11.55 "ТВ - шифоқор".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнгли кўшиқ истайди".
13.05 "Тезкор хабарлар".
13.15 "Савадий икзувар". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Эркин ва обод Ватан". 1-кўсим.
14.35 Миллий сериал: "Ҳаёт вақли".
15.05 "Икким".
15.10 "Корачин".
15.30 "Худудлардан хабарлар".
16.00 "Мулосабат".
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Ҳангин дунё".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Урп завоқи".
17.30 "Ифтидор".
17.35 "Эртақлар - яхшиликка етказар".
18.40 "Кўнгли кўшиқ истайди".
18.15 "Эврилиш".
18.35 "Сизнинг авлоқингиз".
18.40 "Савадий икзувар". Т/с.
19.25 20.00, 20.55 Эфирлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Навоий бустонидан".
20.10 "Мехмонона хўжайини". Т/с.
19:30 "Hudud.uz:Jahon"
19:40 "Муслик вақти" дастури
19:50 "Муҳаббат ва қасос" т/с (6-қисм)
20:30 "Hudud.uz"
20:50 "Бизнес репорт"
21:05 "Қош устиди" кўрсатуви
21:30 "Hudud.uz:Jahon"
21:45 Премьера: "Кизил шафқ" б/ф
22:30 "IT-NEWS" дастури
23:35 "Айрис-2" т/с (41-қисм)
00:00 "Муслик вақти" дастури
00:15 "Хайрат лаҳзалари" х/ф
00:30 Туғти кинозал: "2157 йил" б/ф
00:15 Тунингиз хайри бўлсин!

Сешанба

05:30 "Янги кун наволари" дастури
06:10 "Мозиладан садо" дастури
06:30 "Буни ҳаёт дейдилар" дастури
07:00 "Forum news" кўрсатуви
07:15 "Бизнес-промо"
07:30 "Қалб жаҳондир" т/с (41-қисм)
08:00 "Hudud.uz"
08:20 "Муслик вақти" дастури
08:30 "Чой устиди" кўрсатуви
09:00 "Hudud.uz: Yangi avlod"
09:10 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф (41-қисм)
09:35 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с (1-қисм)
10:00 "Газеталар шарҳи"
10:10 "Ашадан аёл" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Hudud.uz:Jahon"
12:10 "Муҳаббат ва қасос" т/с (6-қисм)
12:45 "Юзма-юз" дастури
13:00 "Hudud.uz"
13:10 "Ил ман" б/ф
15:00 "Forum news" кўрсатуви
15:15 "Хайрат лаҳзалари" х/ф
16:00 "IT-NEWS" дастури
16:00 "Муслик вақти" дастури
16:10 "Hudud.uz"
16:10 "Айрис-2" т/с (41-қисм)
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Газеталар шарҳи"

17:10 "Хазина" телешоуинкотири-нава
18:00 "Hudud.uz: Yangi avlod"
18:10 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф (42-қисм)
18:30 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с (2-қисм)
18:50 "Бизнес-промо"
19:00 "Қалб жаҳондир" т/с (42-қисм)
19:30 "Hudud.uz:Jahon"
19:40 "Муслик вақти" дастури
19:50 "Муҳаббат ва қасос" т/с (7-қисм)
20:30 "Hudud.uz"
20:50 "Бизнес репорт"
21:05 "25-кадр" кўрсатуви
21:30 "Hudud.uz:Jahon"
21:45 "Қоронғулик қутлари" б/ф
23:30 "IT-NEWS" дастури
23:35 "Айрис-2" т/с (42-қисм)
00:00 "Муслик вақти" дастури
00:15 "Хайрат лаҳзалари" х/ф
00:30 Туғти кинозал: "2157 йилда қилувчи жан" б/ф
01:45 Тунингиз хайри бўлсин!

Чоршанба

05:30 "Янги кун наволари" дастури
06:10 "Мозиладан садо" дастури
06:30 "Буни ҳаёт дейдилар" дастури
07:00 "Forum news" кўрсатуви
07:15 "Бизнес-промо"
07:30 "Қалб жаҳондир" т/с
08:00 "Hudud.uz"
08:20 "Муслик вақти" дастури
08:30 "25-кадр" кўрсатуви
09:10 "Hudud.uz: Yangi avlod"
09:10 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф (42-қисм)
09:35 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с (2-қисм)
10:00 "Газеталар шарҳи"
10:10 "Қўзғалғин маънос" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Hudud.uz:Jahon"
12:10 "Муҳаббат ва қасос" т/с (7-қисм)
12:45 "Ешлар" студияси намойиш этилди
13:00 "Hudud.uz"
13:10 "Ил ман" б/ф
15:00 "Forum news" кўрсатуви
15:15 "Хайрат лаҳзалари" х/ф
16:00 "IT-NEWS" дастури
16:00 "Муслик вақти" дастури
16:10 "Айрис-2" т/с (42-қисм)
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Газеталар шарҳи"
17:10 "Хазина" телешоуинкотири-нава
18:00 "Hudud.uz: Yangi avlod"
18:10 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф (43-қисм)
18:30 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с (3-қисм)
18:50 "Бизнес-промо"
19:00 "Қалб жаҳондир" т/с
19:30 "Hudud.uz:Jahon"
19:40 "Муслик вақти" дастури
19:50 "Муҳаббат ва қасос" т/с
20:30 "Hudud.uz"
20:50 "Бизнес репорт"
21:05 "Борига бераки" кўрсатуви
21:30 "Hudud.uz:Jahon"
21:45 Премьера: "Қатъи йил" б/ф
23:30 "IT-NEWS" дастури
23:35 "Айрис-2" т/с (43-қисм)
00:00 "Муслик вақти" дастури
00:15 "Хайрат лаҳзалари" х/ф
00:30 Туғти кинозал: "Симангиз ҳи қиролчилик" б/ф
01:45 Тунингиз хайри бўлсин!

Паншанба

05:30 "Янги кун наволари" дастури
06:10 "Мозиладан садо" дастури
06:30 "Буни ҳаёт дейдилар" дастури
07:00 "Forum news" кўрсатуви
07:15 "Бизнес-промо"
07:30 "Қалб жаҳондир" т/с
08:00 "Hudud.uz"

08:20 "Муслик вақти" дастури
08:30 "Борига бераки" кўрсатуви
09:00 "Hudud.uz: Yangi avlod"
09:10 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф (43-қисм)
09:35 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с (3-қисм)
10:00 "Газеталар шарҳи"
10:10 "Келинар қўзғолни" б/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Hudud.uz:Jahon"
12:10 "Муҳаббат ва қасос" т/с
12:45 "Ешлар" студияси намойиш этилди
13:00 "Hudud.uz"
13:10 "Мен роботман" б/ф
15:00 "Forum news" кўрсатуви
15:15 "Хайрат лаҳзалари" х/ф
16:00 "IT-NEWS" дастури
16:00 "Муслик вақти" дастури
16:10 "Айрис-2" т/с (43-қисм)
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Газеталар шарҳи"
17:10 "Хазина" телешоуинкотири-нава
18:00 "Hudud.uz: Yangi avlod"
18:10 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф
18:30 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с (4-қисм)
18:50 "Бизнес-промо"
19:00 "Қалб жаҳондир" т/с
19:30 "Hudud.uz:Jahon"
19:40 "Муслик вақти" дастури
19:50 "Муҳаббат ва қасос" т/с
20:30 "Hudud.uz"
20:50 "Бизнес репорт"
21:05 "Антракт" кўрсатуви
21:30 "Hudud.uz:Jahon"
21:45 "Турец" б/ф
23:30 "IT-NEWS" дастури
23:35 "Айрис-2" т/с (44-қисм)
00:00 "Муслик вақти" дастури
00:15 "Хайрат лаҳзалари" х/ф
00:30 Туғти кинозал: "Инсон иродаси" б/ф
02:45 Тунингиз хайри бўлсин!

Жума

05:30 "Янги кун наволари" дастури
06:10 "Мозиладан садо" дастури
06:30 "Буни ҳаёт дейдилар" дастури
07:00 "Forum news" кўрсатуви
07:15 "Бизнес-промо"
07:30 "Қалб жаҳондир" т/с (39-қисм)
08:00 "Hudud.uz"
08:20 "Муслик вақти" дастури
08:30 "Антракт" кўрсатуви
09:00 "Hudud.uz: Yangi avlod"
09:10 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф
09:35 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с (4-қисм)
10:00 "Газеталар шарҳи"
10:10 "Муҳаббатиман" б/ф
11:45 "Асарлар саҳни" дастури
12:00 "Hudud.uz:Jahon"
12:10 "Муҳаббат ва қасос" т/с
12:45 "Ешлар" студияси намойиш этилди
13:00 "Hudud.uz"
13:10 "Офталар қўзғолни" б/ф
15:00 "Forum news" кўрсатуви
15:15 "Хайрат лаҳзалари" х/ф
15:30 "IT-NEWS" дастури
15:40 "Муслик вақти" дастури
16:00 "Hudud.uz"
16:10 "Айрис-2" т/с (44-қисм)
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Газеталар шарҳи"
17:10 "Хазина" телешоуинкотири-нава
18:00 "Hudud.uz: Yangi avlod"
18:10 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф
18:30 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с (5-қисм)
18:50 "Бизнес-промо"
19:00 "Қалб жаҳондир" т/с
19:30 "Hudud.uz:Jahon"
19:40 "Муслик вақти" дастури
19:50 "Муҳаббат ва қасос" т/с
20:30 "Hudud.uz"
20:50 "Бизнес репорт"

Шанба

05:30 "Янги кун наволари" дастури
06:10 "Мозиладан садо" дастури
06:30 "Буни ҳаёт дейдилар" дастури
07:00 "Forum news" кўрсатуви
07:15 "Бизнес-промо"
07:30 "Олам ва одам" ҳужжатли фильми
08:00 "Hudud.uz"
08:20 "Муслик вақти" дастури
08:30 "Қалб жаҳондир"
10:00 Премьера: "Пулат кун" мурал фильми
11:30 "Ешлар" студияси намойиш этилди
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Forum news" кўрсатуви
13:00 "Дилдор шария" мусиқий-дам олиш дастури
14:00 Реалити шоу: "Янаш учун куни" (9-қисм)
14:45 "Муслик вақти" дастури
15:00 "Муҳаббат ва қасос" т/с
16:00 "Бизнинг объектида"
16:30 "Муслик вақти" дастури
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоуинкотири-нава
18:00 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф
18:50 "Бизнес-промо"
19:00 "Нинҳо"
19:30 "Муслик вақти" дастури
19:45 "Сугуна" кўрсатуви
20:20 "Супер келинчақ" телешоуи
21:00 "Comedy.UZ" теле-шоу
21:30 "УзАфгалар" кўнгилош дастури
22:30 Премьера: "Евуз" б/ф (Хивдистон)
00:45 Тунингиз хайри бўлсин!

Якшанба

06:00 "Янги кун наволари" дастури
06:30 "Мозиладан садо" дастури
07:00 Информацион блок
07:30 "Бизнес-промо"
07:45 "Гаройиб оламлар" х/ф
08:00 "Муслик вақти" дастури
08:30 Болалар телесериали: "Минг бир кеча эрталаки" т/с
10:00 "Супер келинчақ" телешоуи
11:45 "Муслик вақти" дастури
11:30 "Нинҳо"
11:30 "Айрис-2" т/с
13:00 "Comedy.UZ" теле-шоу
13:30 "УзАфгалар" кўнгилош дастури
14:30 "Муслик вақти" дастури
14:45 "Ешлар" студияси намойиш этилди
15:00 "Муҳаббат ва қасос" т/с
16:00 "Сугуна" видеоталқини
16:50 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" телешоуинкотири-нава
18:00 Муълалериал: Панда кунг-фу: гаройиб афсоналар м/ф
18:50 "Бизнес-промо"
19:00 "Парламент соати"
19:20 "Муслик вақти" дастури
19:40 "Гаройиб оламлар" дастури
20:00 "Дилдор шария" мусиқий-дам олиш дастури
21:00 "Парвоз заври" дастури
22:00 Реалити шоу: "Янаш учун куни" (9-қисм)
22:45 "Муслик вақти" дастури
23:00 "Трансформерлар" б/ф
01:30 Тунингиз хайри бўлсин!

Ўқув амалиётлари

Инновацион технологиялар асосида ташкил этилмоқда

Жорий йилнинг 21 июн куни Наманган вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълим бошқармаси, Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ва Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида "Ахборот тизимлари ва технологиялари таълим йўналишидаги ўқув амалиётларини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш" мавзудаги вилоят ўқув семинари ҳамда бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Семинарда қўмитанинг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш.Тоштемировнинг "Меҳнат бозорида ахборот технологиялари соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорликдаги амалга оширилган ишлар ва вазибалар тўғрисида"ги маърузаси тингланди.

"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали директори Ж.Якубаев ўтказилган суҳбатлар жараёнида соҳа битирувчиларига телекоммуникация йўналишидаги янги технологиялар (интернет, IP TV, IP телефония) ва бошқа қўшимча хизмат турлари ҳақида тушунчалар, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича керакли тавсиялар берди. Ҳозирги кунга келиб, филиалда соҳа битирувчиларидан 36 нафари билан уч томонлама шартномалар имзоланди. Шундан 32 нафари Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчилари, бундан ташқари, 136 нафар ўқувчи билан ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўтатиш бўйича шартномалар имзоланди ва уларга зарур шартнолар яратиб берилди. "Ўзбектелеком" АКнинг 2012 йил 16 мартдаги 111-буйруғига асосан, вилоятдаги соҳага оид 11та касб-хунар коллежга оптик толали алоқа линияси тортиш режалаштирилган. 2012 йилда Наманган ахборот-технологиялари ва транспорт коллежи-



га 3,6 км, Учқўрғон тумани ахборот технологиялари ва сервис коллежга 4,7 км, Наманган тумани ахборот технологиялари ва сервис коллежга 7 км, Уйчи туман Ёрқўрғон иқтисодиёт ва компютер технологиялари коллежга 6,1 км, Поп транспорт-алоқа коллежга 9,2 км, Косонсой sanoat-transport-алоқа коллежга 2,5 км – жами бта касб-хунар коллежга 33,1 км оптик толали алоқа линиялари тортиш учун техник шарт ва топшириқлар ишлаб чиқилди.

Фидиал томонидан жами 123,1 км масофадаги (телекоммуникация тармоғини кенгайтириш мақсадида 27та MSAN қурилмалари учун жами 108 км, 9та касб-хунар коллежга 15,1 км, тортилди. Йиллик режа 16та КХКга 113,4 км.) оптик толали алоқа линияси ўтказилди.

Қўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали билан ҳамкорликда тайёрланган умумий ҳажми 4 Гб бўлган (DVD диск) ўқув қўлланмалар тўплами соҳа коллежларининг ахборот-ресурс марказларига тақдим этилди. Бундан ташқари, "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали томонидан коллежларга оптик толали кабелларни улаш бўйича амалий машғулот ёзилган компакт дисклар тарқатилди.

Ҳақимжон АБДУЛЛАЕВ,
Шухрат УМАРОВ,
"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали
бўлим бошлиқлари

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида уяли алоқа воситаларининг ижобий ва салбий томонлари ҳақида қатор баҳс-мунозаралар бўляпти. Бундай телефонларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаслик даражасига етганмизга эса анча бўлди. Тўғри, уяли алоқа воситаси гоётда қулай бўлиб, исталган вақтда, хоҳлаган жойимизга боғланиш имкониятига эгамиз. Шунинг учун ҳам юртимизда бу соҳа ривожига катта аҳамият берилляпти.

Уяли алоқа телефон:

Зараридан
эҳтиёт бўлинг!



Истиклол йилларида замонавий ахборот технологиялари соҳасида жуда ката ютуқларга эришилди. Ахборот-коммуникация технологиялари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг муҳим шартларидан бирига айланди.

Бугун уяли телефон ёшу қарининг, ўсмир ва ҳатто кичик ёшдаги болаларнинг ҳам доимий ҳамроҳи бўлиб қолди. Лекин кўпчилик бундай телефонларнинг инсон, айниқса, ёш авлод организмга қандай зарарли таъсирлари борлигини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида олимлар ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, уяли телефондан фойдаланувчилар бош оғриғи, бош айланиши, нохушлик, қулоқ атрофида "иссиклик"ни ҳис этиш, кўнгил айниши, тез чарчаш каби ҳолатлардан арз қилишади. Маълум бўлишича, уяли телефондан тинимсиз фойдаланиш юқоридаги ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлар экан.

Болалар ва ўсмирлар организми эса ташқи муҳитнинг турли омилларига жуда таъсирчан бўлади. Шу боис Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти олимлари болаларнинг уяли телефонлардан узоқ вақт фойдаланишларини таъқиқлайдилар. 10 ёшгача бўлган болалар организмнинг асосий тизимлари (бош миё, кўз, қулоқ, асаб ва суяк) ўсмиш ҳали такомил топпаган ҳисобланади. Шу боис, уяли телефон ақлий ишлаш қобилиятини камайтириб, асабийлашнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, 11-15 ёш психологияда кризиснинг иккинчи даври деб аталади. Айнан шу даврда йигит-қизлар замонавий кўринишдаги воситаларга асосланган мулоқотга ўч бўлишади. Мен тенгдошларим ҳар бир ишда бўлганидек, уяли телефонга гаплашишда ҳам меъёрга амал қилиб, унинг зарарли томонларидан сақланишларини истар эдим.

Маъмура ҲАНГИЛОВА,
ЎзМУ тарих факултети талабаси

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факултети "Информатика ва татбиқий дастурлаш" кафедраси профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида TEMPUS гранти лойиҳаси доирасида "CANDI: ўқув компетенцияси ҳамда e-Learning ва қайта тайёрлаш инфратузилмаси 158918-TEMPUS-12009-1-AT-TEMPUS-JPCR" грант лойиҳаси йўлга қўйилган бўлиб, Вена университети (Австрия), Буюк Британия очик университети, Мюнхен Техника университети, Вена Техника университети, Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон миллий университети, Ясавий номидаги қозоқ-турк халқаро университети, Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети ва Тошкент кимё-технология институти грант ҳамкорлардир.

Масофавий таълим

Европа Иттифоқи доирасида амалга оширилаётган TEMPUS дастури лойиҳасидан қўзланган асосий мақсад — олий таълим тизимида сифат кўрсаткичларини ошириш усулларини такомиллаштиришдан иборат. Грант лойиҳаси дастурида 12та компютер, 1та мультимедиа комплекси, 2та принтер, сканер ҳамда 40та ноутбук университетимиз грант иштирокчиларига берилди. Харид қилинган жиҳозлар базасида иккита компютер синфи ташкил қилинган. Уларнинг хизматидан бакалавр, магистр, тадқиқотчилар ва университет профессор-ўқитувчилари фойдаланишади.

CANDI лойиҳаси e-Learning соҳасида маҳаллий иштирокчилар компетенцияси бир нечта босқичларда амалга оширилади. Шунингдек, ушбу лойиҳанинг мақсади CANDI лойиҳаси платформасининг ишлатилиши ва уни ривожлантириш бўйича маҳаллий

ёш мутахассисларни қайта тайёрлашдан иборат.

CANDI лойиҳаси биринчи навбатда электрон тарзда таълим беришда Moodle ёки TUD'S Digital classroom каби бепул очик ўқув платформаларининг ишлатилиши кўзда тутилмоқда. CANDI платформаси бир нечта, яъни инглиз, ўзбек, қозоқ, рус тилларини қўллаб-қувватлайди ва ҳамкор университетлар ўртасида илк йўналиш бўйича билим оқими ҳамда маълумотларнинг қабул қилинишини таъминлашга ёрдам беради. Айни пайтда CANDI лойиҳасининг веб-сайти (www.candi.uz) яратилган.

Европалик ҳамкорлар билан биргаликда масофавий таълим учун 12та мультимедиа курслар ташкил қилиниб, мазкур сайта қўйилган. Яратилган курслар учун платформа сифатида e-Learning "Moodle" инструментариисидан фойдаланилди. Яратилган

курслар нафақат талабаларни, балки ишлаб чиқаришдаги мутахассисларни ҳам қайта тайёрлашга хизмат қилади. Қўнғирот сода заводи ва Шўртан кимё комплекси муҳандис-техник ходимларининг малакасини ошириш учун шартномалар тузилди. Лойиҳа ҳақида мультимедиа ролик тайёрланди. Мазкур лойиҳанинг натижалари республикамиз университетларининг ўқув жараёнига янги курсларни, таълимнинг Европа даражасидаги янги технологияларни татбиқ қилишга ЎзМУ, ТКТИ, УрДУларни замонавий компютер ва серверлар билан таъминлаб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўқитувчи, аспирант ва талабаларнинг инглиз тили бўйича билим даражаларини оширишга ёрдам беради.

Шоира ОРИПОВА,
ЎзМУ тарих факултети талабаси

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раҳбарлигида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг жорий йилнинг 7 майида тизимдаги бошланғич касаба уюшмаси қўмиталари ўртасида "Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилотлари кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ҳамда барча бошланғич ташкилотларга етказилди.

Бугунги кунда тизимдаги бошланғич ташкилотлар ўртасида ташкил этилаётган "Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти" кўрик-танлови Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг 2013 йил 29 апрелдаги қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ ўтказилмоқда.

Мазкур кўрик-танловнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятига баҳо бериш бўйича ҳакамлар хайъати таркиби тасдиқланган бўлиб, улар томонидан тизимдаги бир қатор бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини баҳолаш варақлари тўлдирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятлари баҳо беришда асосий эътибор ташкилотларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, дам олдириш борасида амалга оширилган ишлар, жамоа шартномалари ва уларнинг иловалари бажарилиши, меҳнат ва меҳнат муҳофазаси масаласида касаба уюшмаси қўмиталари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, касаба уюшма аъзоларига жалб этиш ишларини ташкил этишнинг ахволи, иш режасининг бажарилиши, комиссияларнинг мавжудлиги ва уларни касаба уюшмаси ташкилоти фаолиятидаги иштироки, касаба уюшмаси фаолларини ўқитиш, ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш ишлари ҳамда ташкил этилган тадбирларга қаратилмоқда.

Хусусан, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари ўртасида меҳнат муҳофазаси масаласида "Ўзбектелеком" АКнинг "ТШТ" филиалида амалга оширилаётган ишлар бугунги кун талабига жавоб беради десак муболага бўлмайди.

Масалан, филиалда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида иш ўринларини меҳнат шартлари бўйича шаҳодати (аттестацияси) ўтқа-

зилган бўлиб, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига асосан 631 нафар ходим суғурталанган.

Маданий-маърифий йўналишда давлат инспекцияси томонидан амалга оширилаётган ишлар мактовга сазовордир. Жумладан, ташкилотда "Маънавият со-

Ушбу йилда ёш ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг меҳнат қилишлари ва етук мутахассислар бўлиб етишиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

ат"лари режаси тузилган бўлиб, унга кўра ҳар ойда белгиланган муддатларда "Диний оқимлар ва уларнинг асосий максдалари", "Соғлом турмуш тарзи", "Баркамол авлод — миллат таянчи", "Ҳар бир ходимга — касаба уюшмаси эътибори", "Давлат ва жамият", "Обод турмуш йили", "Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида" каби мавзуларда маъруза, давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Спорт-соғломлаштириш соҳасида эса "Ўзбектелеком" АКнинг "Телекоммуникация транспорт тармоғи", "Бош коммутация маркази" филиаллари "Unicon.uz" ДУК каби ташкилотларда ўтказилаётган тадбирлар юқори



баллар билан баҳоланди.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларининг саяё-ҳаракатлари билан алоқа ходимлари касаба уюшмаси меҳнаткашлар турмуш даражасини изчил ва барқарор ўсиши, уларни янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларни амалга оширишда ҳамда ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ишларида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Бинобарин, соҳа ташкилотларида фаолият юритиб келатган кам таъминланган оилаларга касаба уюшмалари маблағидан 2,021 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, "Ўзбектелеком" АК БКУҚ томонидан 795,9 минг сўм, "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали КУҚ томонидан 560,0 минг сўм, "Телекоммуникация транспорт тармоғи" дан 500,0 минг сўм, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиалидан 86,0 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ҳамда уй-жой қурилиши учун "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали 2,5 млн. сўм, "ЎИ-Термиз" филиали 7,0 млн. сўм, "Uzdigital" TV 6,0 млн. сўм миқдорда оилаларга фойзсиз ссудалар ажратди.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига ўқув қуролларини харид қилиш учун 540,0 минг сўм миқдорда моддий ёрдам берилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган ёш

оналарнинг 44 нафарига 9984,0 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бу борада "ТШТ" филиали 33 нафар оилаларнинг фарзандларига 7,8 млн. сўмлик, "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали 4,4 млн. сўмлик, "Телекоммуникация транспорт тармоғи" 997,0 минг сўмлик, "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали 795,9 минг сўмлик ёрдам кўрсатганлиги ташкилотларга йўналиш бўйича юқори балларни қўлга киритиш имконини бермоқда.

Шу ўринда баҳолаш варақасида кўзда тутилмаган яна бир жиҳатга комиссия аъзолари алоҳида эътибор қаратиб, соҳа олийгоҳлари ва коллежаларни биттириб, ишга кирган ёшларга корхоналарда яратилган шартнолар, имтиёزلар берилиши борасида амалга оширилаётган ишларни ҳам эътиборга олмақдалар.

Ушбу йилда ёш ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг меҳнат қилишлари ва етук мутахассислар бўлиб етишиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, биргина жорий йил май-июн ойининг ўзида 41 нафар касб-хунар коллежалари битирувчилари ўз амалиёт даврларида касаба уюшмалари маблағи эвазидан 687,4 минг сўм миқдордаги моддий ёрдам билан таъминландилар.

Хусусан, "Бизнесни ривожлантириш маркази" да амалиёт ўтган 7 нафар талабага 111,4 минг сўм, "ТШТ" филиали 10 нафар талабага 160,0 минг сўм, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё ва Қорақалпоғистон Республикаси филиаллари томонидан 10 нафардан талабага 320 минг сўм миқдордаги моддий ёрдам кўрсатилди.

"Энг намунали бошланғич касаба уюшма ташкилоти" кўрик-танловини ўтказиш юзасидан ҳакамлар хайъати ўз ишини давом эттирмоқда. Фолиб-ликка номзодлар сараланмоқда. Барча бошланғич ташкилотларга омад тилаймиз.

Раъно ТўРАЕВА,
мутахассис

E-sport раvнақиға ҳисса

"Билайн" алоқа оператори компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатлари ташкилотчилари томонидан эътироф этилди. Компания раҳбариятига "Uzbekistan Cyber Games" (UCG) ташкилий қўмитаси томонидан фахрий диплом тақдим этилди.

"Биз кўрсатилган катта мадад ва Ўзбекистонда E-sport ривожига улкан ҳисса қўшаётган ишончли шериклик учун "Билайн"дан миннатдоримиз, — деди UCG ташкилий қўмитаси раҳбари Александр Суч-

ков. — Бундай ҳамкорлик шарофати билан, биз ҳар бир минтақага сафар қилиб, Ўзбекистон чемпионатларини бутун мамлакат миқёсида яна ўтказишимиз ва терма жамоамизни халқаро кибер-сахнада мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга юборишимиз мумкин".

Ўзбекистонда E-sport бўйича мусобақалар 2003 йилдан бери ўтказиб келинмоқда. 2004 йилдан бошлаб мамлакатимиз жаҳон чемпионатларида, 2007 йилдан эса Ўзбекистон Осиё Олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси қўмағида Осиё ўйинларида фаол

иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон геймерлари Осиё ўйинларининг 2007 ва 2009 йилдаги совриндорларига айланишган. 2012 йили "Билайн"нинг ҳомийлик қўмағи билан E-sportчиларимиз Хитойдаги "World Cyber Games-2012" жаҳон биринчилигида иштирок этган.

Ҳозирги пайтда UCG ташкилий қўмитаси ва "Билайн" 2013 йилнинг август-сентябр ойларида ўтказиш кўзда тутилган E-sport бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати билан боғлиқ режаларни муҳофама этишмоқда.

“Ўзбектелеком” АК “ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ”

ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Республикаимизнинг
барча оммавий ахборот
воситалари ходимларини
Касб байрамлари билан
самимий муборакбод этади.**



Барчангизга ижодий баркамоллик тилаймиз!

“Ўзбектелеком” АК САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Мамлакатимиздаги барча
журналистларни 27 июн – Матбуот ва
оммавий ахборот воситалари
ходимлари кuni билан
самимий табриклайди.**

**Қадрингиз доимо
баланд бўлсин, азизлар!**

Интернет журналистикаси

Бугунги ахборот маконида маълумотларни тезкорлик билан кенг оммага етказишда интернет журналистикаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Замонавий ахборотлардан хабардор бўлиш, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш, узатиш ва такомиллаштиришда интернет журналистикасининг ўрни кенгайиб бораётган бир пайтда интернет журналистикаси ўзи шима, деган саволга ىзоҳлар бериш ҳам муҳимдир. Интернет – асосий маълумотлар канали. Унда дунё миқёсидаги оммабоп маълумотларни доимий равишда кўздан кечириш, йириш, қайта ишлаш ва тарқатиш имконияти мавжуд ва у орқали оммавий тарғибот ва ташвиқот юритиш мумкин. Тармоқдаги ҳар бир ахборот ўзининг маълум бир ўқувчиси (аудиторияси)га эга бўлиб, уларнинг жамоат ва дунёқараш тасавурларини ижтимоий йўналтира олиши билан аҳамиятlidir.

Интернет журналистикаси оддий журналистикага нисбатан бир қатор афзалликларга эга:

- **Интерактивлик.** Бундай хусусият интернет технологиясининг ўзида мўжасам бўлиб, бунда у ўзининг кўп томонлама тармоқли алоқасини таъминлайди.
- **Профессионал ёндашув.** Ҳар бир ўқувчи ёки гуруҳнинг шахсий қарашлари, фикрлари ва талабларини ҳисобга олиш имконини беради.
- **Матбуотга йўналганлиги.** Бу ҳолатда ҳар бир ўқувчи хоҳлаган ахборотини хоҳлаган даражада олиш ва уни хоҳлаган даражада ўрганиш ва таҳлил қилиш имконияти эга.

● **Онийлик.** Маълумотлар узатиш тезлиги низоҳатда катта. Керакли маълумот узатишган жойга тез ва сифатли етиб боради.

● **Ўлчамлилик.** Бу ўқувчиларга ўки бу ахборотни муҳимлик даражасини тез ва қулай аниқлаб олишга имкон яратди.

● **Ҳамфикрлик.** Бунда маълумот саҳифасини тез ва қулай равишда, ҳар бир ташриф этувчи фикрини ҳисобга олган ҳолда, янгилаб бориш имконияти тушунилади.

● **Тежамлилик.** Ҳар бир ўқувчига керакли маълумот қорозли маълумотга нисбатан тезроқ ва арзонроқ, энг муҳими, сифатли етиб боради.

Юртимизда ҳам интернет журналистикаси тобора ривожланиб борапти. Бугун чоп этилаётган ҳар бир газета ва журнал ўзининг веб-сайтига эга. Турли йўналишлардаги алоҳида сайтларнинг кўпайиб бораётгани, улар аксариятнинг ўзбек тилида юритилаётгани эса қувончли, албатта. Мазакур йўналишнинг шиддат билан ривожланиши ва энг муҳими – ушбу тармоқ ичидаги айрим сайтларнинг оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатиши, табиийки, унинг алоҳида ҳуқуқий асосини такомиллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бугун айрим интернет веб-сайтларининг янги ОАВ тури сифатида эътироф этилиши глобаллашувнинг маҳсули бўлиб, унинг қонуний фаолият кўрсатиши эса давр талабидир. Шу нуқтага назардан келиб чиқиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига қўра, 2007 йил 15 январдан бошлаб интернет тармоқдаги веб-сайтлар ҳам оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтказила бошланди. Қонунийлигидаги ушбу янгилик дунёдаги

ривожланган давлатлар экспертларининг кизгин муҳокамагарига сабаб бўлди. 2011 йил ноябр ойидан бошлаб Россия Федерациясида ҳам интернет тармоқдаги веб-сайтлар “тармоқ нашри” сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлди. Айнан шунинг ўзи ҳам мамлакатимизда соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг нақадар тўғрилигидан далолат беради. Ҳозирги пайтда республикаимиздаги веб-саҳифаларнинг ўқувчилари сони кун сайин ортиб бормоқда.

Албатта, сайт яратиш, унинг дизайни бугун унчалик муаммо эмас. Чунки, бу борада етук мутахассислар тайёрлайдиган олийгоҳлар етарли бизда. Гап ўша сайтни керакли маълумотлар билан ўз вақтида тўлдириб боришда. Яъни, интернетда ишлаш оладиган журналистларни тайёрлаш масаласига янада жиддийроқ эътибор қаратиш лозим. Чунки бугунги кунда айни соҳага талаб низоҳатда ортиб бормоқда. “Интернет журналист” дегани нафақат газета-журналлар ёки телерадиоканаллар ишhini жонлантириш, балки давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари учун ҳам сув билан ҳаводек зарур.

Ахборот-коммуникация технологиялари борлигини куриша олган замонда яшапмиз. Ҳозирги кунда босма даврий нашрларнинг ҳар бир сонидан интернетдан олинган қатор материаллар чоп этилмоқда. Республикаимизда ҳозирча радио ва телевидение интернет хизматидан матбуотга қараганда кўпроқ фойдаланапти. Аммо газеталаримизнинг интернетдан материал олиб қайта босишлари, яъни таржима мақолаларининг кўпчилиги интернет журналистикаси ривожини таъминламайди. Аксинча, бунга

интернетда уларнинг фаоллигини ошириш билан эришиш мумкин. Сир эмас, бутун замонавий мултимедиа имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда вилоят ва туман газеталари ўқувчилари сонини бирмунча кенгайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Бундан ташқари, аҳоли кенг қатламнинг республика ва вилоятларда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлардан тезроқ ва бевосита хабардор бўлиши учун қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар вилоят ҳокимликлари расмий веб-саҳифаларида мунтазам равишда бериб боришмоқда. Вилоятлардаги қорхона ва ташкилотлар ҳам ўзaro ҳужжат алмашувида интернет ва рақамли технологиялардан фойдаланмоқда. Маҳаллий телевидениелар рақамли технология асосида фаолият кўрсатяпти. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшларимизга фақат “уни ўқима, буни кўрма!” деб танбех бериш орқали бирор натижага эришиш хом-хаёлдан бошқа нарсa эмас. Ахборот глобаллашувининг ижобий томонларидан кўз юммаган ҳолда, унинг салбий жиҳатларини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Яъни, интернет “баъзи кучлар” томонидан халқлар менталитетига ёт бўлган “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчи воситага айланган донмо диққат-эътиборда туриши зарур. Бундай ҳолатларга қарши ёшларимизда ўзига хос “ахборот имнунитетини” шакллантириш, ахборотни “ок-қорасидан” ажратишга ўргатиш барчамизга, айниқса, биз журналистларга катта масъулият юклайди. Ушбу масъулиятли вазифани тўлақонли амалга ошириш учун эса замон талабидида журналистга айланишимиз даркор.

Усмонжон Йўлдошев

Жиззах вилоятида 33та ахборот-кутубхона ва 129та ахборот-ресурс маркази китобхонларга хизмат кўрсатмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида" ги қарори асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлорлар инсон маънавиятини юксалтиришда энг зарур неъматлардан ҳисобланган китобга эҳтиёжни қондиришдаги муҳим ишлардан бири бўлганини мазкур АКМ ва АРМлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин.

Жиззах вилоят АКМ:

Энг зарур неъмат

Вилоят ахборот-кутубхона маркази 106 мингдан ортиқ адабиётга эга. Марказга келувчи китобхонлар шу йилнинг биринчи чорагида 3969 нафарни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33,4 фоиз кўпдир.

АКМ интернет тармоғига уланиб, электрон ўқув зали ташкил этилгач, китобхонлар сони янада ошди. Замонавий компьютерлар билан жиҳозланган шинам ўқув зали доим гавжум. Марказнинг малакали мутахассислари томонидан кўрсатилаётган намунали хизматлардан барча мамнун. Йилнинг биринчи чораги давомида китобхонларнинг сўровлари бўйича "ZiyoNET" тармоғидан 283 нусхада маълумотлар олиб берилди.

Марказдаги китобхонларнинг шахсий варақаларидан қимнинг қачон, қайси китобни, қанча вақтда ўқиб чиқганини аниқ билиш мумкин. Масалан, Жиззах Давлат педагогика институти талабаси З.Абдувалиев варақасида унинг бир йилда 27та китоб олгани қайд этилган. Бу китобхон шу даврда мумтоз адабиётимиз намоёндалари Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, замонавий ўзбек адабиёти вакиллари Саид Аҳмад, Пиримкул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Муҳаммад Юсуф асарларидан то "Нобел мукофоти эришгачи", "Маънавият асослари".



"Ўлчов бирликлари терминлари" каби турли соҳаларга оид китоблар, жаҳон адабиётининг айрим намоёндалари асарларини ўқиган.

— Институтимиз ахборот-ресурс марказидан ҳам зарур китобларни олиб тураман, — дейди З.Абдувалиев. — Бу ерга келишимнинг боиси, вилоят ахборот-кутубхона марказининг бадий адабиётлар фонди бойлиги, китобларни танлаш имконияти кенглигидан. Кутубхонадаги бундай қулайликдан нафақат мен, балки бошқа тенгдошларим ҳам унумли фойдаланишяпти.

Марказнинг фаол китобхонлари орасида кекса авлод вакиллари, мактаб ва ўрта

махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, ўсмирлар, турли касб эгалари, уй бекалари бор. Бу ерга доимий катновчи ўқувчиларнинг 11 фойзини 15 ёшгача бўлганлар ташкил этаётди. Китобхонлар орасида хотин-қизлар 34 фойзини ташкил этиши аёлларда жамият маънавий ҳаётида ўз ўрнини топишга интилиш кучайиб бораётганини кўрсатиб турибди. Н.Собиржонова, К.Мироқилова, Р.Ғалиева каби ўнлаб китобхонлар муассаса жамоасининг аъзосидек бўлиб қолган. Улар марказда ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирларнинг ҳам фаол иштирокчисидир.

— Ўртбосимизнинг "Юскак маънавият — енгилмас куч" асарида таърифлаб берилганидек, бой тарихий,

маданий меросимизни, умуминсоний қадриятларни, Ватанга, халққа муҳаббат туйғуларини ҳар бир одам ўз қалбига сингдиришда китобнинг ўрни бекиёс, — дейди Жиззах туманидаги "Ховослик" маҳалласида яшовчи Т.Олимов. — Мамлакатимизда аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, маънавий дунёсини бойитиш ҳам доимий эътиборда эканлигини мана шу ахборот-кутубхона маркази фаолияти ҳам кўрсатиб турибди. Марказнинг интернет тармоғига уланганлиги ва ундан фойдаланиш учун китобхонга барча қулайлик яратилганлиги ўқувчиларга шу ерда туриб мамлакатимиз марказий кутубхоналаридаги адабиётларнинг электрон шаклини бемалол олиб ўқиш имкониятини беради.

Яқинда марказда Обод турмуш йили мавзусида китобхонлар анжумани ўтказилди. Унда юртимиз ҳаётини, халқимизнинг тарихий-миллий қадриятларини акс эттирувчи адабий-бадий асарлар ҳақида маърузалар, кизикarli баҳс-мунозаралар бўлди. Бундан ташқари, муҳим саналар, байрамлар муносабати билан ташкил этилган "Шердил ва ўторак йилгилар — Ватан фахри", "Алишер Навоий — буюк мутафаккир", "Бобур — шох ва шоир", "Аёл — адабиёт қаҳрамони" каби кўرғазмалар китобхонларга манзур бўлди.

— Ахборотнинг замонавий ва қулай электрон шакли ҳар бир инсон ҳаётига кириб бораётган бугунги кунда китоб ўқишга эҳтиёж қамайгани, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқиши сустайгани тўғрисидаги гаплар ҳам қулқоққа чалинади. Бундай фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Буни ахборот-кутубхона марказлари фаолияти нисолида ҳам кўриш мумкин, — дейди АКМ директори З.Раззоқбердиева. — Кутубхонаимизда маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади. Шу йилнинг биринчи чорагида турли мавзулардаги ўттиздан ортиқ тадбирлар — китобхонлар конференцияси, давра суҳбатлари, китоб кўрғазмалари ўтказилди. Ушбу тадбирлар китобхонлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар асосида марказ китоб жамғармасини янги адабиётлар билан бойитиш, камчиликларни бартараф этиш, фаолиятимизни янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar" мухбири

ФАКТ

БОШ ҲАРФЛАР ИЛК МАРОТАБА XVI АСРДАГИ КЎЛЁЗМАЛАРДА УЧРАЙДИ.

Эртақлар олами

Эртақлар болажонларимизнинг пок кўнглига зилол сувдек оқиб қиради, улар онгини мусиқа мисоли чулғаб олади. Зеро, эртақ ўқиган киши ўзи ҳам мўъжиза яратишни истайди. Шу жиҳатдан қараганда, ўзбек халқ эртақларини маънолар хазинасига ўхшатиш мумкин.

А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан Электромимё заводига қарашли "Қамалак" ёзи болалар дам олиш оромгоҳида "Эртақлар — яхшиликка етаклар" мавзусида болалар ўртасида овозли ўқиш бўлиб ўтди. Тадбирини оромгоҳ бош тарбиячиси Ленаура Валиева очиб, сахнага барча гуруҳларда дам олувчи ўқувчиларни таклиф этди. АКМ ходимлари томонидан болажонларни кизиқтирувчи турли хил адабиётлардан китоб кўрғазмалари ташкил этилиб, мазкур китоблар юзасидан "Армони ушталмаган бўри", "Соясидан кўрққан пахлавон", "Атиргулга айланган малика", "Тўполончи Ботирнинг саргузаштлари", "Етти киз ҳақида афсона" каби эртақлардан намуналар ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, болажонлар ҳам ўзлари ўқиган эртақлардан ўртоқларига сўзлаб бердилар. Тадбир сўнггида фаол иштирок этган Сабина Равшанова, Шоҳрух Умаров, Сабина Баходирова, Баходир Исомов, Аббос Раҳмоновларга АКМ томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Х.НАРЗИЕВА,
АКМ хужжатларни тўлдирish бўлими мудири

Аср вабоси

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра, тиббиётда қўлланилишидан қатъий назар, кайф ҳиссиётини туғдирадиган ва унга ружу қўйишга олиб келадиган ҳар қандай модда наркотик деб аталади. "Наркомания" атамаси (юнонча нархе — қарахтлик ва манна — телбалик, жаҳл, шод-хуррамлик), бангиллик, гиёҳвандлик — наркотик таъсирга эга бўлган моддаларни сурункасига истеъмол қилиш, унга мойил бўлиб қолиш, наркотик модда бўлмаганда эса беморда ҳумор белгиларининг пайдо бўлиши, оқибатда оғир рухий, жисмоний, маънавий ўзгаришлар, ижтимоий тушкунлик билан кузатиладиган касалликдир.

Бугунги кунда республикамиздаги барча ташкилотларда, ўқув муассасалари ва маҳалларда аср вабоси дея ном олган гиёҳвандликка қарши курашишга доимо алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

26 июн — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида "Энг зарарли иллат" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбатига ташриф буюрган барча мутахассислар қатнашчиларнинг саволларига атрофлича жавоб бердилар.

Тадбир давомида гиёҳвандлик ва ОИТСнинг оғир оқибатларини ёритиб берувчи "Ажал гирдоби", "Ҳомилдорлик", "Онла қувончи" мавзуларидаги кўрғазмали видеофилм ва видеороликлар намойиш этилди. Катнашчиларга "Ҳаёт гўзал" плакати, "ОИВ, ОИТС тўғрисида суҳбатлашамиз", "Хорижга борувчиларга эслатма" номли буклетлар тарқатилди.

О.ЙЎЛДОШЕВА,
АКМ етакчи кутубхоначиси

Табрик.бай.уз!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали Қамати телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама бошлиғи Зиёдулла ЧОРШАНБИЕВИН кутлув 50 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.

Садоқат

Байсеит ҲАБИБОВ 11 йилдан буён алоқа соҳасига садоқат билан хизмат қилиб келаётган етук мутахассис, устозларига меҳрибон, шоғирдларига талабчан инсонлардан.

Байсеитни Тошкент электротехника алоқа институтида ўқиб юрган пайтидан биламан. У ниҳоятда зийрак, билимга интилувчан, янгидликларни тезда қабул қилиши билан бошқалардан ажралиб турарди. Шу сабабли институтни битирганидан кейин илмий лабораторияда ишлашга йўналтирилди. Шу даврларда институтнинг Оптик толали узатиш тизимлари илмий лабораториясида оптик толаларга атом энергиясининг таъсири бўйича Москвадаги алоқа соҳасининг марказий илмий-тадқиқот институти билан йирик илмий изланишлар олиб борилаётган эди. Байсеит ушбу илмий изланишларда фаол қатнашди ва оддий муҳандисликдан лаборатория раҳбари лавозимига кўтарилди. Илмий лаборатория кенгайиб, оптик узатиш тизимларининг янги авлодларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борарди. Оптик толали алоқа тизимлари ҳаётга энди татбиқ қилинаётган пайт эди. Байсеит ушбу ишларда ҳам фаол қатнашди, 1985 йилда Марказий Осиё ва Қозғистонда биринчи бўлиб Тошкентда хозирги 234 ва 241-станциялар орасида тўрт километр оптик толали кабел ётқизибли, 30 каналли рақамли оптик узатиш тизими ишга туширилди. 1989 йилда хозирги Зангиота тумани маркази ва Тошкент Бош коммуналка маркази оралиғида 16 километр узунликда оптик толали кабел ётқизибли, 120 каналли рақамли оптик

узатиш тизими ишга туширилди. Бу ишларда ва тизимларга кейинчалик техник хизмат кўрсатишда ҳам Байсеит фаол қатнашди.

1992 йилда Алоқа вазирлиги қошида Илмий-тадқиқот маркази (хозирги Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази — UNICON.UZ) очилди ва ушбу марказ тасарруфига ТАТУнинг бир қатор илмий лабораториялари ва ходимлари ўтказилди.

Байсеит соҳанинг телекоммуникация воситаларини Сертификатлаштириш органи ва Сертификатлаштириш синов марказини тузишда фаол қатнашди ва биринчи синов лабораториясига раҳбарлик қилди.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш жадал равишда давом эттирилаётган эди ўшанда. Энди янги тармоқни сифатли ишлатиш учун унга янги талабларга жавоб берадиган, соҳанинг метрология йўналишини ягона тартиб ва қоидага асосан қайта ташкил қилиш ишлари долзарб масалага айланди. Соҳанинг Асос метрология хизматини ташкил қилиш, ривожлантириш, керакли бўлган норматив ҳужжатлар базасини яратиш Байсеит Сайфуллаевичга ишониб топширилди. Қисқа вақт ичда у Асос метрология хизматини ташкил қилди. Вазирлик буйруғи билан расмийлаштирилди ва Байсеит соҳанинг бош метрологи этиб тайинланди. Шу



даврд Байсеит Сайфуллаевич соҳада метрологик таъминот тизимини яратди, метрологик аттестацияни ривожлантирди, ўлчов воситалари базасини яратди, метрологик таъминот ва ўлчов усуллари бўйича ўнлаб норматив ҳужжатларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди, соҳа корхоналари ходимларига ўқув курсларини ташкил қилди, уларни ўқитди, алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстлик давлатлари ва хорижий давлатлар мутахассисларини жалб қилиб, халқаро семинарлар ташкил қилди. Давлат алоқа инспекцияси, "Ўзстандарт" агентлиги томонидан эксперт сифатида бир қатор давлат миқёсидаги лойиҳалар, объектларни қабул қилиш комиссияларида қатнашди.

Байсеит Сайфуллаевич соҳанинг "Ўз касбининг устаси" белгиси ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Байсеит Сайфуллаевич соҳада раҳбарлик қилмоқда. Лаборатория ўлчов воситаларини қиёслаш, таъмирлаш, телекоммуникация воситаларининг техник кўрсаткичларини аниқ ўлчаш, қиёслаш усуллари, намунавий ўлчаш ва тадқиқ қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, метрология йўналишидаги норматив ҳужжатларни экспертиза ва назорат қилиш, метрология ва синов лабораториялари ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва бошқа бир қанча ишларни юқори даражада сифатли қилиб бажариб келмоқда.

Байсеит Сайфуллаевични муборак 50 ёшга тулиши муносабати билан чин юракдан табриклаб, соҳамиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларига омад, оилавий бахт ва сihat-саломатлик тилаймиз.

Р.ИСАЕВ,
ТАТУ "Телекоммуникация узатиш тизимлари" кафедраси профессори

ТАТУ талабаси Осиё чемпиони

Мамлакатимизда ёшларнинг ўз иқтидорларини намойён қилишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар натижа бермоқда.



Муродбек Оллаберганов Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали тўртинчи босқич талабаси. У фанларни чуқур ўзлаштиради ва спорт билан ҳам мунтазам шуғулланади.

Яқинда иқтидорли талаба Бекобод шахрида жангвор самбо бўйича бўлиб ўтган республика биринчилигида 62 килограммгача бўлган вазнда барча рақибларини енгиб, Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган. Тошкент шахрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ҳам у мутлак ғолиб бўлди.

Муродбекнинг бу ютуғидан оила аъзолари, айниқса, бувиси Ҳалима ая Оллаберганованинг қувончи чексиз. Чунки айнан бувиси Муродбекни олти ёшдан бошлаб самбо тўғарагига қўлидан етаклаб олиб келар эди.

— Муродбек машқларда ҳам топириқини масъулият билан бажаради. Мунтазам ўз устида ишлайди. Шунинг учун ҳам унинг йилдан-йилга эришаётган ютуқлари салмоқли бўлиб борапти, — дейди устози самбо бўйича жаҳон чемпиони Раҳимбой Машарипов.

— Касб-ҳунар коллежини тамомлагач, Ўзбекистон Куролли Кучлари сафида йиғиллик бурчимни ўтаганимдан фахрланаман. Мен бу жараёнда ҳар тамонлама чиникдим, жисмонан янада бақувват бўлдим. Армияда намунали хизмат қилганлигим учун олий ўқув юртига киришга имтиёзга эга бўлдим. Бугунги кунда ўқишни тамомлаш арафасидаман. Орзуим магистратурада ўқишларни давом эттириш, — дейди Муродбек.

Ха, ҳар бир ёш имкониятлардан фойдаланса, ана шундай улкан ютуқларга эришади.

Соҳиба ГАЙИПОВА

ЭЪЛОН!

Ота-оналар ва 2013-2014 ўқув йилида олий ўқув юртларига киришни мақсад қилган абитуриентлар диққатига!

2013 йил 5 июл кунин Тошкент ахборот технологиялари университетиде соат 10-00 - 13-00 гача очик эшиклар кунин ўтказилишини маълум қиламиз.

Очик эшиклар кунига барча ҳамюртларимизни таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шахри, А.Темур кўчаси, 108-уй.

Телефонлар: (8-371) 238-64-21, 238-64-60.

Мамурият

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "КОСОН ХАМКОР-БИРЛИК" масъулияти чекланган жамиятининг (Қашқадарё вилояти) аризасига мувофиқ шахарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004018 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 20 июндан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

"ASTER TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига 2011 йил 15 декабрда берилган (қайта расмийлаштирилган) АА серияли 0003944 рақамли лицензиянинг амал қилиши лицензия муддати узайтирилган сана — 2012 йил 19 июндан;

"PLATINUM DESIGN" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган 2012 йил 20 сентябрдаги АА серияли 0004204 рақамли;

"WIDE RANGE CONSULTING" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган 2012 йил 7 декабрдаги АА серияли 0004522 рақамли лицензиялар бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан "SHOXRUX-NET" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002673 рақамли лицензиянинг амал қилиши корхона тугатилган сана — 2013 йил 28 майдан тугатилди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали жамоаси филиадада узок йиллар бош энергетик вазифасида фаолият олиб борган фахрий ходим

Ақбар ИБРОХИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.



"Ўзбектелеком" АК жамоаси

Мамлакатимиз матбуот ва
оммавий ахборот воситалари
ходимларини касб байрамлари
билан табриклайди.

Ижодий парвозингиз янада
баланг бўлсин.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз
ривожланаверсин!

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,
Сувои НАЖБИДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўричилигига тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор тоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

Газета
haftaning
жума куни
чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буёк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-652 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 15415 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-06-34	225-91-10	232-97-86	554-35-45	233-61-81	224-06-12	288-40-66	226-37-16	224-18-05	931-08-99